

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

“ГЕОЛОГИЯ” ЙЎНАЛИШИ УЧУН

“ГЕОЛОГИЯДА ЗАМОНАВИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ”

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ–УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: А.Р. Кушаков – ЎзМУ, “Геология” кафедраси мудири, профессор, г-м.ф.н.
И.Б.Тўрамурадов – ЎзМУ, “Геология” кафедраси катта ўқитувчиси (PhD).

Тақризчи: А.Г. Стельмах – ЎзМУ, доценти

Ўқув -услубий мажмуа Ўзбекистон миллий университети Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 24 декабрдаги № 3 -сонли баённомаси)

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.	46
III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	19
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	39
V. ГЛОССАРИЙ	42
VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:	44

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўкув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўкув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий професионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўкув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Геологияда замонавий тадқиқот усуллари” модули **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларини юқори илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини муентазам янгилаш, касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратининг узлуксиз ривожланишини таъминлашдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- “Геология” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- мутахассис фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илфор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

“Геология” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Геологиянинг ҳозирги замон муаммолари” модули бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- фойдали қализмаларни иқтисодий баҳолаш, замонавий геологияни муаммоли масалаларига ва уларни ечилишини;
- маъданли ва номаъдан конларида геологик ва қидиув ишларини олиб бориш жараёнларининг лойихалаш хужжатлаштириш усулларини;
- маъданлар ҳақидаги қонун талабларини ва умумий тушунчаларни **билиши** керак.

- замонавий ахборот технологиялари, фойдали қазилмаларни қайта ишлашнинг самарали технологияларини қўллаш;
- стратегик жиҳатдан мухим бўлган ноанъанавий фойдали қазилма турларини намоён этиш ҳисобига минерал хом-ашё базасини кенгайтириш масалаларини кўриб чиқиш;
- атроф-муҳит ифлосланишининг долзарб муаммоларини компьютерда тоғ жинсларини таркибини қайта ишлаш ва компьютер локал тармоқлари ва интернет тизимида ишлаш;
- геологик-қидирув ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасидаги чуқур билимларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот ва илмий-ишлаб чиқариш ҳамда эксперт-таклилий ишларни ташкил этиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.
- мамлакатни минерал хом-ашё базасини ривожлантириш учун муаммоли масалаларни хал этишнинг аҳамиятлари;
- тоғ - кон саноати таъсири ва илмий жиҳатдан самарали ишлатиш хақида **малакаларига** эга бўлиши лозим.
 - касб-хунар таълими муассасаларида геология фанларини ўқитиш;
 - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида илмий-тадқиқот марказларида, ФВВ, аҳолини сейсмик хатардан сақлаш
 - лойиҳалаш институтларида, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш
 - ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
 - “геология” йўналиши бўйича обьектлар ва жараёнларнинг намунавий моделлари ва уларни тадқиқот қилиш методикаларини ўрганиш;
 - геологик тадқиқотлар назариясини ривожлантириш;
 - ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиш;
 - электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмууларни ишлаб чиқиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Геологияда замонавий тадқиқот усувлари” модули материаллари билан курс тингловчиларини таништириш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимининг замонавий усувлари, компьютер технологиялари, интернет тармоғидан олинган янгиликларни қўллаш усулидан фойдаланилади. Маъруза дарсларида презентация усулида, амалий машғулотларда эса янги лаборатория, ақлий хужум, гурухли фикрлаш усувларидан фойдаланиш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Геологияда замонавий тадқиқот усуллари” модули мазмуни ўқув режадаги мутахассислик модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг бу соҳа бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

“Геологияда замонавий тадқиқот усуллари” модулини ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишдаги технологик ёндошув асосларини, бу борадаги илғор тажриба ва янгиликларни ўрганадилар, уларни тахлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий ютуқларга эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Мавзу номи	аудитория	Аудитория		
			Назарий	Амалий	Кўчма
1.	Геологияда замонавий тадқиқот усуллари. Геологик тадқиқотларни олиб бориш мобайнида янги назарий тасаввурларнинг ишлаб чиқилиши.	4	4		
2.	Фойдали казилмаларни қайта ишлашнинг самарали технологияларини қўллаш. Ёпиқ конларни излаш ва баҳолаш усулларини такомиллаштириш.	4	4		
3.	Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган ноанъанавий фойдали қазилма турларини намоён этиш ҳамда мавжуд конларда мужассамлашган минерал ресурслар захираларини тўлдириш ҳисобига минерал хом-ашё базасини кенгайтириш.	4		4	
4.	Ўзбекистон Республикасининг хом-ашё базаси ва уни ривожлантириш истиқболлари	4	4		
5.	Фойдали казилмаларни қайта ишлашнинг самарали технологияларини қўллаш зарурияти.	4		4	
6.	Мамлакатнинг минерал хом-ашё базасини ривожлантириш йўналишидаги вазифаларни муваффакиятли ечиш учун мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этишнинг ахамияти ва бу борадаги фаолият олиб бораётган мутахассислаонинг маъсулият хисси хақида тассавурлар шакллантириш.	4		4	
	Жами 24 соат	24	12	12	

НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Геологияда замонавий тадқиқот усуллари. Геологик тадқиқотларни олиб бориш мобайнида янги назарий тасаввурларнинг ишлаб чиқилиши (4 соат).

- 1.1. Геологияда замонавий тадқиқот усуллари.
- 1.2. Геологик тадқиқотларни олиб бориш мобайнида янги назарий тасаввурларнинг ишлаб чиқилиши.

2-мавзу. Фойдали қазилмаларни қайта ишлашнинг самарали технологияларини қўллаш. Ёпиқ конларни излаш ва баҳолаш усулларини такомиллаштириш (4 соат).

- 1.1. Фойдали қазилмаларни қайта ишлашнинг самарали технологияларини қўллаш.
- 1.2. Ёпиқ конларни излаш ва баҳолаш усулларини такомиллаштириш.

3-мавзу. Ўзбекистон Республикасининг хом-ашё базаси ва уни ривожлантириш истиқболлари (4 соат).

1. Ўзбекистон Республикасини ер қаърида турли хилдаги фойдали қазилмалари таснифи.
2. Ўзбекистонни минерал хом-ашё базасининг истиқболлари.
3. Геологик-қидириш ишларининг истиқболлари.
4. Республика нометалл фойдали қазилмалари истиқболлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Амалий машғулотлар модул соҳаси бўйича етакчи олий таълим кафедралари ва илмий-тадқиқот муассасалари лабораториялари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари бўлимларида ташкил этилади. Мазкур машғулотлар соҳага оид долзарб мавзуларда тажриба-синов ва лаборатория машғулотлари ҳамда танишув амалиёти шакларида олиб борилади. Шунингдек, таъкидланган муассасалар ва корхоналар етакчи мутахассислари томонидан республика ва хорижий илмий марказларда соҳа йўналишида амалга оширилаётган илгор илмий ва амалий тадқиқотлар бўйича таҳлилий шарҳлар берилиши масқадга мувофиқдир.

1-амалий машғулот: Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган ноанъанавий фойдали қазилма турларини намоён этиш ҳамда мавжуд конларда

мужассамлашган минерал ресурслар захираларини тўлдириш ҳисобига минерал хом-ашё базасини кенгайтириш (4 соат)

2-амалий машғулот: Фойдали қазилмаларни қайта ишлашнинг самарали технологияларини қўллаш зарурияти (4 соат).

3-амалий машғулот: Мамлакатнинг минерал хом-ашё базасини ривожлантириш йўналишидаги вазифаларни муваффақиятли ечиш учун мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этишининг ахамияти ва бу борадаги фаолият олиб бораётган мутахассислаонинг маъсулият хисси хақида тассавурлар шакллантириш (4 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади: маърузалар, амалий машғулотларида геология фанларни ўқитиш методикаси соҳасидаги янги маълумотлар, замонавий техника ҳамда технологиялар билан таништириш, назарий билимларини мустаҳкамлаш.

Ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан, синквейн ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Давра сұхбати” методи


Айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим оловчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра сұхбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим оловчининг бир-бири билан “кўз алоқаси” ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сұхбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сұхбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим оловчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим оловчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим оловчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим оловчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра сұхбатида стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим оловчига конверт қофози берилади. Ҳар бир таълим оловчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб

варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар varaқаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йифиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра сұхбати” методининг тузилмаси келтирилган



Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнимкамларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини “гуруҳ баҳоси” бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурухлар ўз ишларини тутатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни “тўғри жавоб” бўлимига ёзиш сўралади.

4. “Тўғри жавоб” бўлимида берилган рақамлардан “якка баҳо” бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса “0”, мос келса “1” балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг “якка хато” бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда “тўғри жавоб” ва “гуруҳ баҳоси” ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар “гуруҳ хатоси” бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу. Геологияда замонавий тадқиқот усуллари. Геологик тадқиқотларни олиб бориш мобайнида янги назарий тасаввурларнинг ишлаб чиқилиши (4 соат).

- 1.1. Геологияда замонавий тадқиқот усуллари.
- 1.2. Геологик тадқиқотларни олиб бориш мобайнида янги назарий тасаввурларнинг ишлаб чиқилиши.

Таянч иборалар: геология, ахборот технологиялари, минерал хомашё базасини

Геологияда замонавий тадқиқот усуллари.

Геология - ер ҳақидаги фан бўлиб, юононча гео - ер, логос - фан демакдир. Геология табиий фанлар қаторига киради ва у ер планетасининг ривожланиш қонунларини ўрганади. Ер нима деган саволга олимлар турлича жавоб берадилар. Астрономлар ерни шар шаклидаги физик жисм деб, қуёш системасида жуда катта тезликда (бир секундда 30 км) айданувчи планета сифатида текширадилар.

Географлар, геодезистлар ва геоморфологлар ер устки қисмининг шаклини, рельефини ўрганадилар. Биологлар эса, ердаги ҳётни-ернинг ҳайвон ва ўсимликлар ривожланадиган қисмини - биосферани ўрганадилар. Тупроқшунослар ернинг тирик организмлар ривожланадиган устки тупроқ қатламини текширади.

қурилиш ишларидағи мутахассислар Ерни қурилиш асоси ва материали, яъни уни қурилиш манбаи деб ҳисоблайдилар. Юқорида қайд этилган фан соҳалари ернинг фақат устки қатламларида содир бўлаётган воқеа - ҳодисаларнинг ривожланиши ўзгаришинигина текширадилар.

Геология фани эса, ернинг устки қисмини ўрганиши билан бир қаторда унинг ички қисмини ва ундаги мавжуд ҳодсаларининг ривожланиш қонуниятларини ҳам ўрганади. Геологлар ерга турли минерал ва тоғ жинсларидан таркиб топган ва доимо ўзгариб тузувчи шарсизон физик жисм деб қарайдилар.

Ер пўсти неорганик қисмининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳайвон ва ўсимликларнинг ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларни ўрганишда ер қатламлари орасида сақланиб қолган тамғаларгина ёрдам беради.

Шундай қилиб, геология фани ер ҳақидаги маҳсус фан бўлиб, у ер қатламлари таркибининг тузилишини ва ривожланиш тарихини текширади. Бу масалаларнинг ўрганиладиган ҳажми ва миқдори жуда катта бўлганлиги учун геология фани бир неча маҳсус фанларга бўлинниб уларнинг ҳар бири геологиянинг ўзига ҳос соҳалари билан шуғулланади.

Ернинг химиявий таркибини минералогия (минераллар ҳақидаги фан) ва кристаллаография (кристаллар ҳақидаги фан), петрография (тоғ жинслари ҳақидаги фан) геохимия (ер кимёсини ўрганувчи фан), палеонтология (қадимги организмларнинг тош қотган қолдиқлари ҳақидаги фан), тупроқшунослик (тупроқ ҳақидаги фан) фойдлаи қазилмалар геологияси (минерал ҳом ашёларни ўрганувчи фан), гидрогеология (ер ости сувлари ҳақидаги фан) ва бошқа фанлар ўрганади. Ер юзасининг шакллари уларнинг пайдо бўлиши ривожланиши ва тараққиётини геоморфология фани ўргатади. Бу фан геология билан географияни бир-бирига боғлайди. Ер шарининг устки шакlinи географиянинг бир қисми бўлган геодезия текширса, унинг физик хусусиятларини геофизика, ернинг ёши ва қатламлар муносабатини стратиграфия, ернинг ички ва тоғ ҳосил қилувчи ҳаракатларини геотектоника ва структурали геология ўрганади.

Динамик геология ер пўстини ўзгартирувчи ва тоғ жинсларини ҳосил қилувчи (литогенез) жараён билан шуғулланади. Назарий геология, геологик разведка ишлари ер пўстини геофизик усуллар ёрдамида текшириш, нефть қидириш геологияси, мухандислик геологияси (геологиянинг қурилишларда қўлланилиши), ҳарбий геология ва бошқа амалий геология фанлари билан боғлиқдир.

Геологияда замонавий тадқиқот усуллари маълум кетма-кетликга эга. Ушбу кетма-кетликнинг ҳар бир босқичини олиб бориш учун алоҳида тоғ лахмлар мажмуи қўлланилади. Тоғ лахмларини ўтиш эса геологик

шараоитларга боғлик ҳолда турли тоғ ишларини қўллаш натижасида амалга оширилиши мумкин. Тог ишларининг турларини аниқлашда тоғ жинсларининг мустахкамлик даражасини акс эттирувчи тоғ жинсларининг мустахкамлик категорияси асос бўлиб хизмат қиласди.

Тоғ лаҳмларини ва бурғу қудуқларини ҳужжатлаштириш ва улардан наъмуналар олиш геология қидирув ишларидағи тоғ лаҳмларини олиб бориш ишларининг ниҳояси ва энг муҳим қисмидир. Тоғ лаҳмларини ҳужжатлаштириш, уларнинг турлари ва ҳар бир тоғ лаҳмини ҳужжатлаштиришдаги зарур бўлган маълумотлар тўплами хакида батафсилрок тухталиб утилди.

Шу билан бирга геология қидирув ва баҳолаш ишларини олиб бораётган мутахассис урганилаётган фойдали қазилмаларни казиб олиш ва уларни бойитиш усувлари хакида умумий маълумотларга эга булиши лозим. Ушбу нуктаи назардан келиб чиккан ҳолда мазкур укув кулланмасида фойдали қазилмаларни казиб олиш ва бойитиш усувлариға оид булган маълумотлар келтирилди.

Минерал хом ашё ресурсларини қидириб топиш, казиб олиш ва кайта ишлага саноати Ўзбекистон Республикаси иктисадиётида етакчи уринлардан бирини згаллайди, бу ресурслар ишлатувчи саноат корхоналарида ва кишлок ҳужалик махсулотларини ишлаб чикириш кучларини етиштиришда, ишлаб чикириш кучларини рационал таксимлаш ва меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш учун шарт— шароитлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси худудида турли минерал хом ашё миноралларидан ташкил топган куплаб фойдали қазилма конлари жойлашган.

Хозирги вактда 2700та фойдали қазилма конлари жойлашган худудлар аникламгап. Уларнинг ЮООдан ортоти қидириб топилган булиб, улар минерал хом ашё ресурсларининг 100 хилини уз ичига олган. Қидириб топилган минерал хом ашё ресурсларининг бОдан ортиқ турлари соҳа саноат корхоналарида узлаштирилмоқда. Шулардан 165таси — нефть, газ,

конденсат; Зтаси кумир; Мбтаси — асл металлар (мис, олтин, кумуш, платина); 42таси — рангли, камёб ва радиоактив металлар; Зтаси —кора металлару 20таси— ТОҒ —руда махсулотлари; 20таси —безак учун игалатиладиган тошлар; 15таси — ТОҒ —кимё махсулотлари; 484таси курилиш учун ишлатиладиган хом ашё ресурслари ва бошқалар.

Қидириб топилган фойдали қазилма конларини узлаштиришда куплаб соха саноат корхоналари фаолият курсатаяпти. Улар куйидагилардир — Олмалик ва Навоий ТОҒ — металтургия комбинатлари; Ангрен кумир разрези; Шуртан, Бухоро ва Муборак нефть — газни кайта ишлаш заводлари, Охангарон, Б'азалкент ва Навоий цемент комбинатлари ва бошқалар.

Соҳа саноати корхоналарида ишлатишга тайёр фойдали қазилма конларининг захираларининг баҳоси АҚШ долларида 1 триллионни ташкил этади. Умумий минерал хом ашё ресурсларининг потенциали 3,6 триллиондан ортик АҚШ долларини ташкил этади. Хар йили ер каридан 5.5 — 6.0 млрд долларлик хажмида фойдали қазилма казиб олинаяпти, 6.7—7.0 млрд. долларлик янги захиралар эса узлаштиришга тайёрлапаяпти.

Юқорида келтирилган маълумотлар УзР Президенти И.А. Каримовнинг «Ўзбекистонга ўхшаган, заминида жойлашган фойдали қазилмалари бор, мамлакатлар жаҳон харитасида қуп эмас» деган гапининг туғрилигига яна бир бор ишонч хосил киламиз.

Ўзбекистон Республикаси уз тарихий — тараккиётининг янги боскичига, давлат тизимининг янги даврига караб борар экан, хозирги ижтимоий — иқтисодий тараккиёт жараёнида иккита тарихий вазифани хал этмоқда: биринчидан, кучли давлат барпо этилмоқда; республикамиз хам сиёсий, хам иқтисодий жихатдан мустакилликни таъминламокла; иккиичидан 1991 йилдан бошлаб бозор иқтисодиётига ўтилмоқда. Халқ; хужалигимизни бозор иқтисодиётига ўтиши ҳаётий ҳакикатга айланиб бормоқда.

1.2. Геологик тадқиқотларни олиб бориш мобайнида янги назарий тасаввурларнинг ишлаб чиқилиши.

Ер қаърини геологик ўрганиш соҳасида ўтказилаётган тадқиқотларнинг илмий савияси ва самарадорлигини тубдан ошириш, уларнинг республика минерал-хомашё базасини кенгайтиришга йўналтирилган амалий ишланмалар ҳамда геология-қидирув ишларини амалга ошириш билан ўзаро мустаҳкам алоқасини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг Ҳ.М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилиш.

2. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси хузуридаги Ҳ.М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти фаолиятининг асосий вазифалари этиб белгиланиши:

Ер қобиғи геологик тузилиши ва таркибининг чукур фундаментал тадқиқотларини олиб бориш, республика худудининг теран ер қаъри тузилишини комплекс ўрганиш ва шу асосда уч ўлчовли геологик-геофизик моделларни тузиш;

Геологик тадқиқотлар олиб бориш дастурларининг назарий ва методологик асосларини ишлаб чиқиш, худудларнинг ресурс салоҳиятини баҳолаш ҳамда геокимёвий, геофизик ва минералогик тадқиқотларнинг замонавий технологияларини жорий этиш, геологик жараёнларни компьютерда моделлаштириш, шунингдек фойдали қазилмаларни қайта ишлашда илгор технологияларни татбиқ қилиш;

Фойдали қазилма конларини геологик таҳлил этиш, прогноз қилиш ва излаш усулларини такомиллаштиришга, геологик ва геофизик тадқиқотлар соҳасида илгор хорижий технологияларни апробация қилиш ва амалиётда

жорий этишга қаратилган амалий тадқиқотлар, ишланмалар ва экспериментларни тизимли равища амалга ошириш;

Геология ва геофизика соҳасида чет эл илмий муассасалари ва марказлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, илмий конференциялар, семинарлар, қўшма тадқиқотлар, лойиҳалар, ходимларнинг малака ошириши (стажировка) ва ўқишини ташкил қилиш;

Геология ва турдош тармоқлар соҳасида халқаро стандартлар даражасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, олий таълим муассасалари ўқитувчилари ҳамда мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда иштирок этиш.

2-мавзу. Фойдали қазилмаларни қайта ишлашнинг самарали технологияларини қўллаш. Ёпиқ конларни излаш ва баҳолаш усулларини такомиллаштириш (4 соат).

Фойдали қазилмаларни қайта ишлашнинг самарали технологияларини қўллаш.

2.2. Ёпиқ конларни излаш ва баҳолаш усулларини такомиллаштириш.

Минерал хомашё тупламларининг асосий хусусиятларидан бири уларнинг кайтарилимаслиги, камайиб боришидир. Хозирги даврда 150 га якин минерал хомашёлар ердан олинади.

Ишлаб-чикариш учун зарур маҳсулот олиш учун жуда куп минерал хомашё қайта ишлатилиши керак. Бир тонна чуян олиш учун 2 тонна темир маъдани ва 0,6 тонна кокс, 1 тонна асбест олиш учун 70 тонна ТОҒ жинси, 1 тонна слюдага 150 тонна забой маҳсулоти, 1 тонна рангли металл олиш учун 100 тонна, мис., никелга 200 тонна, танталга, 8000т маъданни қайта ишланиши зарур. Шунинг учун хам минерал хомашёнинг тан нархи, олинган маҳсулотнинг тан нархига Караганда анча паст.

Чўянда таннарх 35 — 65%, рангли металларда 40 — 70% минерал уритларда 8-0 — 90%, электр энергиясида 54 — 69% булади. Минерал хомашёлар ни истемол қилиш дунёда кундан —кунга ортиб бормоқда.

Охирги 25 йил ичида нефть ва газ истъемоли 4,5 — 5 марта, темир маъдани 3 марта ортди. Шу вакт ичида ердан 35 млрд. тонна нефть, шунча кумир, 8 млрд. тонна темир, юз миллионлаб тонна боксит, апатит, фосфорит, хар хил тузлар, ун миллионлаб тонна марганец, мис, никел, кургошин, юз минглаб тонналар вольфрам, молибден, симоб ва бошқалар олинди. Чучук сув истъемол килиниши жуда тез ортмокда.

Хомашёларни казиб олиш билан бирга баъзи қазилма бойлик турларининг ахамияти узгармокда. Утган аернинг бошида олтиннинг киммати биринчи уривда булган булса, аернинг иккинчи ярмида 70% ни темир ва кумир эгаллади. Хозирги дунё тизимида ёкилга — энергетик хомашё 70%, рангли металлар 15%, кора металлар 8%, олтин ва олмослар 5% ташкил килади.

Минерал хомашё олиш учун жуда катта маблагни тоғ саноатига, геологоразведка ишларига сарфлаш керак булади.

Кидириш ва разведка ишлари учун қилинган сарф — харажат анча катта булади.

Шундай килиб, разведка килинган маъданлар узида анчагина табиии кийма'шдап ташкари меқнат таннархига. хам эга булади. Шунинг учун хам фойдали қазилмаларнинг олинган микдорига тulos мамлакатимизда йулга куйилган. Бу казиб олинган ва ер карида йукотилган қазилма бойликнинг жамланганига баробар булади.

Мамлакатнинг минерал хомашёлар буйича иқтисодий сиёсати, дунёдаги минерал хомашёнинг уртacha нархидан келиб чиқади.

Агар дунё бозорида минерал хомашёнинг нархи, казиб олинган хомашёнинг таннархидан баланд булса, кондак фойдаланиш албатта самарали булади. Агар минерал хомашё дунё бозоридан арzon булса, бундай хомашёни импорт қилиш максадга мувофиқ булади. Қазиб олиш усулини танлаш иқтисодий мунозаралар натижасида вужудга келиб, энг арzon карьер кесма усуллари иқтисодий жихатдан, агар шу конни шу усулда казиб олиш

мумкин булса, максадга мувофиқ бўлади, Иқтисодий самарадор конлар бошқа усуллар (шахта, ишкорлаш, гидравлик) билли казиб олинади.

Фойдали қазилмаларни кидириш ва разведка қилиш принциплари асрлар буйлаб тупланган тажрибаларга асосланади, ҳамда қазилма бойликларининг геологик структуравий саноат турларига, бундан ташкари халк хужалиги учун зарурлигига баглий булади.

1. Фойдали қазилма конларини тулик урганиш принципи, коннинг чегараларини белгилаш, кон танасини TOF иншоотлари билан тулик кесиб утиш, фойдали қазилма конини хартомонлама комплекс урганиш. Баъзан асосий компонент билан бирга саноат учун етарли булмаган минераллар маъдани хам учрайди. Улар хозирги даврда казиб олинмаса хам келажакни кузда тутган холда уларни хам тулик урганиш зарур.

Аникликка кетма — кет якинлашиш принципи асосида кидириш ва разведка ишлари оддий усуллардан мураккаб усулларга утиб, кон хакидаги маълумотни тулдириб бориши зарур. Бирданига тулик маълумот олиб булмасликни назарда тугиб, аввал оддий, арzon кидириш усудларн кулланилса, коннинг мавжудлиги аниклангандан сунг, мураккаб ва киммат усуллари кулланиши мумкин.

Геология разведка ишларида куйидаги кетма —кетлик тартиби мавжуд:

- 1.Регионал геологик суратга олиш ва геофизик ишлар,
- 2.Фойдали қазилмаларни кидириш.
- 3.Фойдали қазилмаларни кидириш ва баҳолаш.
- 4.Дастлабки разведка.
- 5.Аник разведка.
- 6.Эксплуатацион разведка.
- 7.Кўшимча разведка.

Бир этапни тутатмасдан иккинчисига сакраб утиб кетиш максадга мувофиқ булмайди.

3. Тенг аниклик принципи, текшириш ишлари олиб борилаётган районни тенг ёритиш а) TOF иншоотларини бутун майдон учун бир текис, тенг таксимлаш б) намуна олиш нукталари орасидаги масофа тенг булиши, унинг катталиги, чукурликдан олиниши, оловчи асбоблар бир хил булиши шарт. Хаттохи намуна оловчи шахс хам маълум бир киши булса яхширок. Лабораторияларда тахлил килувчи асбоб — ускуналар бир хил булиши, хатто тахлилчи бир киши булса яна хам яхширок булади. Бир хил текшириш усулларини куллаш хам маъкул.

Материаллар ва меҳнатни кам сарфлаш принципи, TOF иншоотларининг сони, намуналар ва бошқа қуринишдаги ишлар камрок килиниб, купрок натижага эришишни назарда тутади. Дастраски разведка даврида мураккаб участкаларда купрок, мураккаб булмаган участкаларда камрок иш олиб борилади.

Кам вакт сарфлаш принципига асосан разведка ишларини қиска вакт ичидаги якунлаш зарур булади. Чунки бир этапдаги разведка ишлари билан иккинчи этап орасида канча куп вакт утса, TOF иншоотлари шунча эскиради, саноатга зарур хомашё уз вақтида етказиб берилмайди. Бу принцип камёб хомашёларни тез вакт ичидаги давлат эҳтиёжини кондириш учун топширишни кузда тутади.

Демак, топилган кон ёки унинг бир қисми тўлиқ, маълум даражада кетма кет, бир хил аникликда, самарадор ва тез урганилиши лозим экан.

Қидириш ва баҳолаш ишлари қидириш ишларининг якунидир. Бу ишнинг куп томонлари қидириш ишларига ўхшаш булишига карамасдан у факат қазилма боилик борлиги аниклангандан сунггина бошланади. Аник иирик масштабли геологик сёмка билан бирга аник минерологик, геохимик ва геофизик тадқикотлар олиб борилади. Очик жойлар ва қидириш — баҳолаш TOF иншоотлари тулиқ хужатлаштирилади.

Бу ишлар уч гурӯхга булинади. 1) Ер юзасидаги тоғ иншоотлари: канава, траншея, дудкалар, шурфлар; 2) Унча чукур бўлмаган

бурғу қудуклари: 3) Ер юзидаги тоғ иншоотлари ва чукур булмаган бурғу қудуклари турлари.

Бу ишлар келгусида буладиган разведка ишларининг бошланишидир. Қидириш ва баҳолаш ишлари жараёнида қазилма бойликларнинг турига караб геофизик усулларнимг қўлланиши, катламли ёки катламсимон фойдали казилмиларнинг ётиш холатлари аникланади. Қазилма бойликларини очиш ва чегарасини хар турли тог иншоотлари ёрдамида аниклаш, унинг баъзи морфологик хусусиятларини куриб турган кисмига караб баҳолаш ишлари олиб борилади. Айникса ёпик коиларни тог иншоотлари билан очиш вазифаси, чегарасини белгилаш катта ахамиятга эга.

Ёпиқ конларни излаш ва баҳолаш усулларини такомиллаштириш. Нефт ва газ конларини излов ва қидирув ишлари жараёнида комплекс

Геологик қидирув ишлари ўтказилиши лозим. Бу аввало алоҳида уюмлар, шунингдек бутун коннинг захираларини баҳолаш, сўнгра шу асосда коннинг геологик ва иқтисодий баҳосини беришга ҳамда уни ишлатиш лойиҳасини тузишга имкон яратади. Комплекс геологик қидирув ишлари маълум бир тартибда олиб борилади. Геологик қидирув ишлари уч босқичга бўлинади: регионал, излов ва қидирув.

Регионал босқичда иккита стадия ажратилади: нефтгазлиликни баҳоратлаш ва нефтгаз тўпланган зоналарни баҳолаш. Биринчи босқич ишларининг мақсади ва вазифаси - геологик тузилманинг умумий шаклини ўрганиш, нефтгазлиликка истиқболини баҳолаш, нефтгаз тўпланиши мумкин бўлган зоналарни аниклаш. Бу босқичда регионал геологик-геофизик тадқиқот ишлари, таянч, параметрик (ўлчов) ва тузилма қудуқларини бурғилаш ишлари бажарилади. Д1 ва Д2 тоифа захиралари аникланади.

Излов босқичи обьектларни аниклаш ва излов қудуқларини бурғилашга тайёрлаш ҳамда конларни (уюмларни) излаш стадияларига бўлинади. Биринчи стадия ишларининг мақсади ва вазифаси - нефт ва газга истиқболли майдонларни аниклаш, уларнинг чуқурлиқдаги тузилишини

ўрганиш, излов қудуклари бурғилашга тайёрлашдан иборат. Ишнинг турлари ва услублари - қидирав ва муфассал геологик-геофизик тадқиқотлар ўтказиш, тузилма ва параметрик қудуклар бурғилаш. Бу стадияда D2, D1 ва C3 тоифа захиралари аниқланади. Иккинчи стадиянинг мақсади ва вазифаси нефт ва газ конларини очиш, бирламчи (тахминий) геологик-иктисодий баҳолаш ҳисобланади. Ишнинг турлари ва услублари - излов қудуклари бурғилаш қудукларда геофизик тадқиқотлар ўтказиш. C2 ва қисман C1 тоифа захиралари тайёрланади. Қидирав босқичида иккита стадия ажратилади - конларни баҳолаш ва конларни ишлатишга тайёрлаш. Қидирав босқичининг вазифаси: конларнинг тектоник тузилиши хусусиятларини ўрганиш; маҳсулдор қатламларнинг литологик таркибини ўрганиш, уларнинг умумий ва самарали қалинлигини аниқлаш, коллекторлик хоссалари, нефтгазга туйинганлиги ва бу кўрсаткичларни майдон ва кесим бўйлаб ўзгариш характеристи; газ-нефт-сув kontaktларининг ҳолати ва газ шапкаси ёки нефт хошиясининг аҳамиятини аниқлаш; нефт, газ, конденсат, сув дебитлари ҳамда қатlam босими, тўйинганлик босими ва бошқа кўрсаткичларни маҳсулдор қудукларни синаш ва тадқиқ қилиш натижалари бўйича аниқлаш; нефт, газ ва қатlam сувларининг физик-кимёвий хоссларини ўрганиш.

Қидирав босқичининг вазифаси асосан чуқур қидирав қудукларини бурғилаш билан ечилади. Қидирав ишларининг натижаси захираларнинг сифати ва миқдорини баҳолаши, конни ишлатишни лойиҳалашни асослаш ва конда обеъктлар ва саноат иншоатларини куришга капитал маблағлар ажратиш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни таъминлаши лозим. Қидирав қудукларининг миқдори ва улар орасидаги масофа маҳсулдор қатламларнинг тузилишини ўрганиш, уларнинг қалинлиги, коллекторлик хоссалари ва коннинг тектоник хоссаларини ўрганишни таъминланлаши керак.

Қидириш излов-қидирав жараёнининг якуний босқичи ҳисобланади. Унинг вазифаси захираларни ҳисоблаш ва ишлатишни лойиҳалашда зарур

бўлган уюмнинг параметрларини тўлиқлигини таъминлашдан иборат. Алоҳида параметрларни ва захираларни аниқлашни ишончлилиги ишлатишни лойиҳалашни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Қатламнинг ўтказувчанлиги, қалинлиги, нефтнинг қовушқоқлиги ва бошқа параметрлар ёки баланс ва олинадиган захираларни баҳолашда нотўғри хисоблаш жами нефт, суюқлик қазиб чиқариш, ҳайдаладиган сувнинг миқдори, нефтберувчанлик коэффициентини аниқлашда хатоликларга олиб келади ва ўз набатида конни жиҳозлашга катта харажатларни юзага келтиради. Шундан маълумки, конни қидирилганлик даражасига қўйиладиган талаб аввало ишлатишни лойиҳалашни ишончли таъминотини хисобга олиши лозим. Қидириш жараёнида олинган маълумотларни умулмаштириш ва захираларни хисоблаш турли даражада бир неча бор амалга оширилади. Улар синов ишлатиш лойиҳалари, ишлатишнинг технологик схемалари ва ишлатишни лойиҳалашдан аввал албатта ўз ўрнига эга бўлади. Синов ишлатиш лойиҳаси ёрдамчи лойиҳа хужжати хисобланади. Унинг вазифаси асосан маҳсулдорликни ўрганилганлик даражасини кўтариш қатламларнинг сиздириш хоссалари ҳақидаги ишончли маълумотларни олиш, қудуқларни ишлатиш методлари ва услублари ҳақида, вақт мобайнида қатламнинг иш режимини юзага келиши ҳақидаги маълумотларни олиш учун зарур бўлган қисман ишлатиш билан қидиришдан иборат. Бунда қатламга сув ҳайдаш имкониятлари ва уюмни ишлашини бошқа кон геологик характеристикаси ўрганилади. Газ конларининг синов ишлатиш лойиҳаси қидириш лойиҳаси билан бирга тузилади ва технологик қисми хисобланади. Нефт конларида синов ишлатиш лойиҳаси қидириш жараёнида тузилади. Ишлатишнинг технологик схемаси қидирув ишлари ва синов ишлатиш лойиҳаси амалга оширилгандан кейин тузилади. Қидирув босқичи тугатилиши натижасида технологик схема тузиш вақтида таҳминий лекин ишлатишни лойиҳалаш учун етарли бўлган алоҳида параметрлар ва бутун объектнинг характеристикаси берилади. Бу вақтда нефт ва табиий газ конларининг захираларини таснифида қўзда тутилган C1 ёки C2+B категориялар бўйича

нефт ва газ захиралари ҳисобланган бўлиши лозим. Ишлатиш лойиҳаси кидирув ишлари, қудуқларни бурғилаш, технологик схема ва ишлатишнинг биринчи босқичи маълумотлари асосида тузилади. Бу босқичда геологик тузилишнинг деталлари аниқланади, қатламнинг ҳар хиллилиги аниқланади, нефтнинг барча захиралари ёки бир қисми А тоифа бўйича ҳисобланган бўлиши мумкин. Қидириш ишларига талаблар конларни ишга туширишда турли тоифадаги захираларнинг тайёрланганлик даражасига қуйиладиган талаблар билан ифодаланади. Нефт ва газ захираларининг мавжуд таснифига мувофиқ ўзлаштирилган туманларда оддий тузилишдаги уюмларни ишлатишни технологик схемасини тузиш С1 категория захиралари ва 20% В категория захиралари базасида амалга оширилади. Янги ўзлаштирилмаган районларда ҳудди шундай максадлар учун конда 30% В категория захираларининг бўлиши талаб қилинади. Мураккаб тузилишдаги коннинг ишлатиш лойиҳасини схема даражасида лойиҳалаш фақатгина С1 категория бўйича ҳисобланган захиралар асосида амалга оширилади.

Бу мавзуни ўзлаштиришда қуйидаги саволлар берилади:

1. Геологияда замонавий тадқиқот усуллари ўзи нима?
2. Геологияда замонавий тадқиқот усуллари қандай ҳосил бўлади?
3. Геологияда замонавий тадқиқот усуллари тузилишини кўрсатинг.

Назорат саволлари:

1. Минерал хом ашё ресуреларини кидириб топиш, казиб чикариш ва каёта ишлаш саноатининг ривожланиши деганда нимани тушунасиз?
2. Соҳа саноатининг якин истиқболдаги вазифалари нималардан ибораг?
3. Минерал хом ашё ресурсларининг геологик ва саноат захираларининг бир биридан фарки нимадан?
4. Минерал хом ашё ресурсларининг таснифини айтиб беринг?
5. Минерал хом ашё ресурсларининг балансдаги ва балансдан ташкари захирали нима?
6. Кидириш ва баҳолаш ишларидаги ер юзасидаги тог иншоотларига нималар киради?

3-мавзуу : Ўзбекистон Республикасининг хом-ашё базаси ва уни ривожлантириш истиқболлари (4 соат).

Режа

1. Ўзбекистон Республикасини ер қаърида турли хилдаги фойдали қазилмалари таснифи.
2. Ўзбекистонни минерал хом-ашё базасининг истиқболлари.
3. Геологик-қидириш ишларининг истиқболлари.
4. Республика нометалл фойдали қазилмалари истиқболлари.

Таянч иборалар: минерал, стратегик, эҳтиёж, углеводород конлари, металлар, қора сланецли, гидротерма, олтин, қумуши, олтингугурт, селен, рений, ноёб металлар, рух, ванадий, кадмий, никель.

1. Ўзбекистон Республикасини ер қаърида турли хилдаги фойдали қазилмалари таснифи.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон Республикаси кўпгина йўналишлар бўйича минерал хом-ашё жаҳон бозорида ўз мавқени мустахкамлади ва ишонч билан ўз ўрни эгаллаб турибди. Ҳозирги пайтда Республика минерал хом-ашё базасининг стратегик мухим бўлган фойдали қазилмалар, неф ва газ, минерал ўғитлар, ер ости сувлари, курилиш материаллари бўйича холатлари умуман қониқарли деб баҳоланади.

Ўзбекистон Республикасини ер қаърида турли хилдаги фойдали қазилмаларни катта миқдорлари жамланган, улардан фойдаланиш эса давлат иқтсодиётини тараққий этишига кенг йўл очиб беради. Ушбу фойдали қазилмалар ички ва жаҳон бозорларида катта эҳтиёж сезиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хом-ашё базасини ўзида мужассам этади.

Ўзбекистон Республикасининг фойдали қазилмалар захираларини Давлат баланси маълумотларига кўра (01.01.2014 й. холатга кўра) Ўзбекистонда 1764 та конлар очилган; шу жумладан углеводород конлари – 235 та, металлар – 139 та; кўмир ва ёнувчи сланецлар – 5 та; тоғ-маъдан – 55 та, тоғ-кимё – 27 та ва рангдор тош хом-ашё конлари – 30 та; турли йўналишларидағи қурилиш материаллари конлари – 648 та ва ичимлик ва минерал ер ости сувлари – 620 та.

Янги усуллар ва технологияни қўллаш, ер қаърини геологик ўрганишларда тараққий этган инфратузилма, Республика минерал хом-ашё

базасини ахамиятга молик миқиёслари ва тараққиётини кенг доирадаги истиқболлари, ҳамда ўзаро манфаатдорлик шарт-шароитларда республика ва чет эл сармоядорларининг капиталини жалб этиш Ўзбекистоннинг табиий бойликларидан кенг фойдаланишда максимал натижаларга эриш учун имкон беради.

Кўпгина минерал хом-ашё турларини ўзлаштиришга тайёрлаб қўйилган захиралари, амалда фаолият олиб бораётган тоғ-кон қазиб олиш мажмуналарини яқин келажақда таъминлайди. Тоғ-кон қазиб олиш корхоналарининг қувватларини ошириш ва янгиларини қуриш учун, хориждан келтирилувчиларни камайтиришга ва замонавий юқори технологик махсулот чиқариш спектрини кенгайтиришга имкон берадиган фойдали қазилмалар турларини излаш ва қидириб-чамалаш ишларини кучайтириш керак.

Республика 2013 йилда, олтинни тасдиқланган захиралари бўйича жаҳонда ўнинчи ўринни, қазиб олиш бўйича эса ўн биринчи ўринни эгаллади.

Мамлакатни олтин маъданли базасининг асосини Қизилқум (Мурунтов, Мютенбой, Чукуркудуқ, Аджибургут, Омантайтов, Қоқпатас, Довғизтов ва бошқ.), Самарқанд (Чармитон, Ғужумсой, Сармич, Бирон, Маржанбулоқ ва бошқ.) ва Тошкент олди (Кўчбулоқ, Қайрағоч, Қизилолма, Қовулди, Пирмироб, Ғўзоқсой ва бошқ.) геологик –иктисодий районларининг конлари ташкил этадилар.

Ўзбекистонни минерал хом-ашё базасининг истиқболлари қидириб-чамаланган захиралардан икки маротабадан ортиқ бўлган башорат ресурслари билан тўғридан-тўғри боғлиқ.

Хозирги кунда 2003 йилда очилган, олтин захиралари бир неча ўнлаб тонна бўлган Аджибургут конини нордонлашган ва бирламчи олтин таркибли маъданларни захиралари саноат миқиёсларида қазиб олинмоқда. Олтин-кварцли Чармитон, Ғужумсой ва Ўрталик конларини ҳамда олтин-сульфид-кварцли Қизиломасой ва Кўчбулоқ конларини истиқболлари кенгайтиrimоқда. Мустақиллик йиллари янги олтин маъданли - Янги Давон, Биринчи Сентябрь, Желсой, Роҳат, 2-сонли маъдан зона, Пистали, Олтинқазган, Самарчук, Қайрағоч, Сармич, Широтное конлари очилди. Уларни хар бирида олтинни захиралари ва башорат ресурслари ўнлаб ва ундан ортиқ тонналарга етади.

Пистали ва Ўрталиқ конларини захиралари ДЗҚда тасдиқланди, уларда ҳозирда қазиб олишга тайёргарли ишлари олиб борилмокда

Кумуш захиралари 36 та кон бўйича ҳисобга олинган. Уларни асосий микдорлари (80,4%) мажмауавий бўлган – Қалмаққир, Баракали, Учқулоч, Хандаза конларида, шунингдек олтин маъданли - Кўчбулук, Қизиломасой, Мурунтов ва бошқа обьектларда ҳамда кумушнинг ўзини (19,6%) – Нуқракон, Косманачи, Оқжетпес конларида жамланган. 1991 йилдан 2013 йилгача кумуш бўйича Давбалансида олтин билан бир қаторда кумуш таркибли бўлган Қайрагоч, Арабулоқ, Ғужумсой, Сармич, Бесапантов, Междуречье, Центральний, Даљний, Чинарсой конлари қайд этилган.

Уран захиралари бўйича Ўзбекистон Республикаси жаҳон лидерларини биринчи ўнталигига киради, 2013 йилда эса қазиб олиш бўйича 12 ўринни эгаллади. Уранни қазиб олиш самарали ва экологик заарсиз ҳисобланган - ер остида ишқорлаш усулида амалга оширилади. Уран билан биргаликда скандий, селен, ноёб ер элементлари ажратиб олинади.

Ураннинг қазиб олишга тайёрланган захиралари ва мавжуд бўлган ўстириш истиқболлари, шунингдек илфор технологияни қўллаш, уран қазиб оловчи мажмуани келажакда барқарор ишлашини таъминлайди.

Мустақиллик йилларида Истиқлол, Шимолий Конимех, Овулбек, Кендиктепа, Майлисой, Жанубий Суграли ва бошқ. конлар қидириб чамаланди.

Уранни МХАБни (минерал хом-ашё базасини) истиқболларини яқин 6-7 йилларда кенгайтири ишлари қуйидаги асосий йўналишлар билан боғлик:

- маълум бўлган конларнинг қанотларида (ҳамда чукур горизонтларида) ва янги истиқболли обьектларда геологик-қидириш ишларини ўтказиш (давом эттириш). НТМКни Шимолий, 5-МБ (Маъдан бошқармаси) ва Жанубий маъдан бошқармасини таъминловчи асосий обьектлар қаторига: Мойлисой, Оқтов, Балхаш-Шарқий Тўхта; Терекқудук, Кухинур, Овулбек, Оқсай, Шарқий Терекқудук, Марказий-Қарақота; Ингичка, Мойбулоқ ва Ғарбий-Зиёвутдин майдонлари, шунингдек Ёғду ва Аргон конлари киради. Янги истиқболли майдонларни тайёрлаш мақсадларида олдиндан бажарилувчи ихтисослаштирилган излаш ва қидириш ишлари истиқболли бўлган Шарқий Бахали, Жасаги, Муллали, Шимолий Тўхта; Янгиқудук, Женгелди; Ғарбий-Зиёвутдин, Зирабулоқ-Зиёвутдин тоғларини палеоўзанларида ва бошқаларда режалаштирилди;

- маъданни махсулий таркиблари ва геологик тузилишлари мураккаб бўлган конларда уранни ер остида ишқорлаш технологиясини такомиллаштириш. Маъданни махсулий таркиблари ва геологик тузилишлари мураккаб бўлган конларда (НТМКнинг учта Маъдан бошқармасини асосий конлари) уранни ер остида ишқорлаш технологиясини такомиллаштириш мақсадларида лаборатория, йириклиштирилган лаборатория ва тажриба-саноат синовларини қўйиш лозим;

- уранни республика учун ноананъавий бўлган маъданлашуви турларига (қора сланецли, гидротерма ва бошк.) геологик-қидирув ишларини ўтказиш. Яқин келажакда, кутилаётган башорат ресурслари биринчи ўнлаб тоннани ташкил этадиган Туртқўл-Янбош, Устук-Фозилмон, Дакан-Нурота ва бошқа истиқболли майдонларда излаш ишлари ўтказилади.

Шунингдек Давгеолқўм томонидан Жанубий Ўзбекистондаги мезозой ва кайназой ётқизиқларида (1:200000 масштабдаги башоратлаш харитасини тузиш билан) ҳамда Зирабулоқ-Зиёвутдин районидаги апт ва сеноман даврларидаги палеоўзанларда уран маъданлашувларини шаклланишини баҳолаш бўйича мавзувий тадқиқотларни қўйиш режалаштирилмоқда.

Республикада рангли, ноёб ва тарқоқ металларни хом-ашё базаси яратилган бўлиб, улар ўзларининг мустақил холдаги ва мажимувий конлари билан тақдим этилади.

Миснинг асосий захиралари Олмалиқ тоғ-маъдан районидаги мажмуавий мис порфирли конларда жамланган. Бутун қазиб олиш даврида ушбу кондан 20% га яқин захиралари ажратиб олинган. Мавжуд бўлган тоғ-маъдан корхоналар ва инфратузилмаларнинг имкониятлари мис ишлаб чиқаришни мухим даражада кўпайтиришга шароит туғдиради. Олмалиқ тоғ-маъдан районидаги конларни маъданлари таркибида мисдан ташқари, олтин, кумуш, олtingугурт, селен, ренийларни ахамиятга молик даражадаги захиралари мавжуд бўлиб, уларни баҳоси ишлаб чиқарилган махсулотини биргаликдаги нархларини ярмига етади.

Мустақиллик йиллари Қизота кони очилди ва Қалмоққир конини чуқур горизонтлардаги захиралари қайта ҳисобланди. Бўконтов тоғлари (Оразали, Корамурун, Ирлир майдонлари), Жанубий Ўзбекистан ва Султонувайс тоғ-маъданли районларда янги истиқболли майдонлар намоён этишга бевосита дарак берувчилар мавжуд. Кам ўрганилган районларда кенг кўламдги излаш ишларини ўтказиш мис ва бошқа рангли металлар ресурсларини ахамиятга молик ўстиришларга имкон беради.

Вольфрам хом-ашё базасини негизини маълум бўлган вольфрам маъданли конлар (Лянгар, Ингичка, Қўйтош, Яхтон, Саргардон ва бошқ.) ва 1991 йилдан кейин намоён этилган Советбой кони ва Саритов маъдан намоёнлари тақдим этадилар.

Яқин йилларда вольфрам захираларини ўстириш истиқболлари Жанубий Ўзбекистондаги янги истиқболли майдонларни (Гуссой, Сарикўл, Турангисой, Исириқсой) ҳамда Нурота ва Зиёвутдин-Зирабулоқ тоғларидағи (Шарқий-Ингичка майдони ва бошқ.) ва Марказий Қизилқумдаги (Ирлир, Жанубирӣ Саритов ва бошқ.) майдонларни башорат ресурсларини кўпайтиришга йўналтирилган.

Қўрошин ва руҳ конлари карбонат жинсларидағи стратиформ (Учқулоч, Қулчўлоқ), скарн (Қўрошинкон, Кумишкон) ва вулканоган жинслардаги колчедан (Хандаза ва б.) турларга хос бўлган обьектлар билан тақдим этилган. Қўрошин ва руҳни қидириб-чамалангандан захиралари Учқулоч ва Хандаза конларида жамланган. Охиргисини маъданларида мис, кумуш, кадмий, селен, олтин, индий аниқланган.

Геологик-қидириш ишларининг истиқболлари янги майдонлар: Чинорсой, Кулдара, Сулукул, Наугарзонсой ва бошқ. қаратилган.

Литийни тасдиқланган захиралари Тошкент вилоятидаги Шовасойни кўмирли туф алевролитларидағи вулканоген кони ҳисобланади ва у 120 минг тонна литий икки оксидини ташкил этади. Бирга учровчи коммпонентлари - 3.2 минг тона цезий оксиди ва 8,9 минг тонна рубийдий оксидидан иборат. Маъданни каръер услубида қазиб олса бўлади. Маъданларни қайта ишлашларда юқори самара берувчи технология ишлаб чиқилган: бунда 78% литий тузлари ажратиб олинади ҳамда бир йўла цемент ишлаб чиқришда бойитиш чиқиндиларидан фойдаланиб калий ҳамда натрийни сульфатлари ишлаб чиқилади. Бу обьектни очилиши ҳам мустақиллик йилларига тўғри келади.

Ўзбекистонда **темирни** бир нача ўнлаб маъдан намоёнлари ва конлари намоён этилган. Энг йириклари - Тебинбулоқ титан-магнетит кони ҳисобланиб, уни ресурслари 3,5 млрд.т маъданни ташкил этади (Қорақалпоқистон Республикаси); захиралари 105 млн. т. бўлган гематит-магнетитли ва магнетитли маъданларни Темиркон кони (Жиззах вилояти) ва мустақиллик йилларида намоён этилган Суренота скарн-магнетит турдаги кони саналади, уни захиралари 25,3 млн.тонна темирни (Тошкент вилояти) ташкил этади. Ҳозирги пайтда Тебинбулоқ конида жадал суръатларда излаш

–баҳолаш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб ҳисобланган муаллифлик захиралари 18,7% таркиб билан, 500 млн. тоннадан ортиқни ташкил этади.

Геологик-қиди्रув ишлари Тебинбулоқ конини Шарқий ва Ғарбий қисмларида олиб борилмоқда. Келгусида Давгеолқўм ташкилотлари томонидан Қоржонтов тоғларидаги Мингбулоқ майдонларида ва Коратепа тоғларини Оқсой майдонларида геологик-қиди्रув ишларини ўтказиш назарда тутилмоқда.

Мамлакат худудларида *марганец маъданли* намоёнлар очилган. Улардан энг яхши ўрганилганлари Довтош, Тахтақорача, Қизилбайроқ қатламлашган конлардир. Зарафшон ва Хисор тизмалари чўзиқликларини макранең таркиблилигини тугал қўшимча ўрганиш вазифалари олдинда турибди. Қизилқумда 1991 йилдан кейин Ўзбекистон учун янги тур ҳисобланган – нураш пўстидаги конлар намоён этилди (Алисой, Ақсой ва бошк.).

Ёнувчи сланецлар нефть махсулотларини олишда қўшимча манба, шунингдек бир қатор рангли ва ноёб металлар- мис, рух, ванадий, кадмий, никель ва бошқаларни манбаи ҳисобланади. Давомлари қўшни давлатлар - Тожикистон, Туркманистон, Қозогистонда кузатилган Сирдарё ва Амударё сланецлар тўпланиш ҳавзалари худудларида ўтказилган башоратлаш тадқиқот ишлари дастлабки тахминий баҳолашларда 93 млрд.т миқдордаги, шу жумаладан Ўзбекистонда 47 млрд.т. ресурсларини тасдиқлади. Жанубий ва Ғарбий Ўзбекистонда Бойсун, Жом, Ўртабулоқ, Сангрунтов, Оқтов, Учқир, Кулбешкек конларни захиралари баҳоланди. Ҳозирда Оқтов, Учқир, Кулбешкек конларини, Сангрунтов тоғларини чукур горизонтларини ўрганиш ишлари давом эттирилмоқда.

Яқин йилларда ишлаб-чиқариш самарадорлиги йилига 8 млн. тонна бўлган ёнувчи сланецларни қайта ишловчи завод қурилиши режалаштирилган. Сангрунтов кони бўйича 100 кв.км майдонда тажриба мақсадидаги шахта қазиш билан ўтказилган геологик –қиди्रув ишлари «Ўзбекнефтгаз» МХК маблағлари ҳисобига бажарилди. Республиканинг ёнувчи сланецлар бўйича асосий захиралари кутилаётган Оқтов намоёни бўйича ҳам «Ўзбекнефтгаз» МХКси билан ҳамкорликда геологик –қидиրув ишлари олиб бориш режалаштирилмоқда.

Республика *нометалл фойдали қазилмаларни* ҳам ахамиятга молик даражадаги салоҳиятларига эга. Фойдали қазилмаларни ушбу кенг ва турли

туман гурухлари саноатда кенг қўлланилади. Ушбу гурухга фойдали қазилмаларни 70 тури - тог маъдан ва тоғ-кимё хом-ашёлари, курилиш материаллари киради. Хом ашёси турли саноат ва озиқ овқат махсулотларини тозалаш учун сорбент кўринишида қўлланиладиган бир қатор конлар, шу жумладан абразив материаларни конлари ҳам мавжуд. Ишлов бериладиган безак тошларни намоёнлари кенг тақдим этилган. Минераллашган ер ости сувлари, шу жумладан газ-нефт қудукларидаги бирга чиқувчи сувлардан олинадиган гидроминерал хом-ашё (йод, бром ва бошқ.) бирин-кетин ўрганилмоқда.

2014 йилдан бошлаб бутун республика худудларида техник кремний ишлаб чиқариш учун **квариц маркибли хом-ашё**, ўта юқа ва узлуксиз минерал толалар ишлаб чиқариш учун **базальтили жиснсларга** излаш ишлари бошлаб юборилди.

Марказий Қизилқумда марокаш турига ўхшаш бўлган донадор **фосфоритларни** кони қидириб чамаланди. Башорат ресурслари 100 млн.т.ни ташкил этувчи Жерой-Сардара конини 54,9 млн.т фосфор ангидриди ишлаб чиқаришга жалб қилинди. Фосфор ангидридини захиралари 10,1 млн.т (2005 й.) бўлган Шимолий Етимтов кони ва фосфорни беш оксидини жамланма захиралари 8,2 млн.т бўлган Қорақота участкаси (Азтек, Аёқудук участкалари) қидириб чамаланди.

Ўзбекистонда **графитнинг** 30 дан ортиқ конлари ва намоёнлари аниқланган. Саноат миқиёсида қизиқиш уйғотадиган энг йириги -маъдан захиралари 2,3 млн.т бўлган Тасқазған кони Бухоро вилоятида жойлашган.

Хозирда техник ҳисобланган: куйишга қарши ва антифракцион буюмлар, гальваник элементларга клеммалар ва шунга ўхшаш бошқаларни ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида ўзлаштиришга таклиф этилмоқда.

Графит маъданини башорат ресурслари ахмиятга молик даражаларда: 10 минг т.дан 500 млн.т.гача бўлган Шарқий-Шайдароз, Оқтош, Захчахона ва Қалаота маъдан намоёнлари қўшимча тўлиқ ўраганишлар талаб этилади.

Қорақалпоқистон худудларида, Мустақиллик йилларида **вермикулитни** иссиқликни изоляцияловчи материал, ҳамда бошқа мақсадларда ишлаб чиқаришга яроқли бўлган захиралари намоён этилди ва ҳисоблаб чиқилди. Хозирги пайтда Тебинбулоқ кони ер қъридан фойдаланувчилар томонидан ўзлаштирилмоқда ва қазиб олинган вермикулитдан турли мўлжаллардаги тўлдирувчилар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда калий таркибли ўғитлар ишлаб чиқариш учун **калий тузларининг** Тюбегатан кони тақдим этилган бўлиб, хлорди калийни таркиби 36,8 % бўлганда уни захиралари 247,6 млн.т.ни ташкил қиласди (2007 й.). Бир йўла ош тузи олиш билан хлорли калийни 96-97% концентратини ажратиб олиш мумкин. Ушбу кон негизида Дехқонобод калий ўғитлари заводи ишлаб турибди.

Захираларини ўстириш мақсадларида, ҳозирги пайтда, Қўргонтош истиқболли майдонларида геологик-қидирув ишлари олиб борилмоқда, калий тузига кейинги геологик-қидирув ишларини Хўжаикон конларида ўтказиш назарда тутилган. Яқин 6-7 йилларда кутилаётган захиралар 60 млн.тоннани ташкил этади.

Toш тузининг ресурслари 9 млрд.т микдорларда баҳоланган ва Жанубий Ўзбекистонда Хўжаикон (1994 й.), Тюбегатан (2007 й.), Бойбичакон конлари ҳамда, Қорақалпоқ Республикасида - Борсакелмас (1994 й.), Оққала конлари билан тақдим этилган. Борсакелмас туз кони ва Жамансой оҳактошлар конлари негизида Кўнғирод сода заводи фаолият кўрсатмоқда. Заводни қуввати йилига 270 минг т. кальцийлашган ва 100 минг.т каустик сода ишлаб чиқариш. Мустақиллик йилларида ҳам бошқа бир қатор - Тузкудуқ (1994), Камизбулоқ (1998), Лавлякон (2002) конлари очилди.

Кварц-дала шпатли қумларни Кармана конидаги захиралари (захиралари - 45 млн.т, ресурслари - 35 млн.т) бутун Марказий Осиё регионини юқори навли чинни, шиша ва сопол ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёжларини таъминлайди.

Ўзбекистонда суғориладиган тупроқларнинг махсулдорликларини ошириш мақсадларида фойдаланиладиган **бентонитлар, бентонит-таркибли глиналар ва глауконитлар** яхши ўрганилган. Ушбу турдаги хомашёларнинг ресурслари Арабдашт, Хаудог, Азкамар ва бошқа конларда ахамиятга молик даражаларда тўпланган.

Курилиши материалларининг ресурслари Ўзбекистонда жуда кўп. Мамалакатда 600 дан ортиқ ғишт, цемент, керамзит хом-ашёси, арраланувчи тошлар, гипс, оҳактош, курилиш ва қоплама тошлар конлари қидириб чамаланган. Улардан турли навлардаги цемент ишлаб-чиқаришларда, бетонни енгил ва оғир тўлдирувчилари сифатида, иссиқлик изоляцияловчи, тўқималар, устки қисмларини ёпиш материаллари, шунингдек сопол, шиша, асбест-цементли қувурлар ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилади.

Мамлакатимизда ва хорижда ўзбек декоратив қоплама тошлари – мармарлар, гранитлар, габбро ва бошқалар катта шухрат қозонган.

Курилиш материаллари ва бошқа нометал турдаги фойдалы қазилмаларига геологик-қидируг ишлари Вазирлар Махкамасини, Иқтисод Вазирлигини ва бошқа қизиқишилари мавжуд Вазирликлар ва тармоқларни директив кўрсатмаларига мувофиқ равишда, Ўзбекистон Республикаси регионларида минерал хом-ашё базасини ўзлаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича ўзига хос инвестицион лойихаларга мос келувчи сарфланишларда амалга оширилади.

Курилиш индустрясини умумий ривожланишлари, саноат томонидан хом-ашёга экологик ва технологик талабларни ортиб бориши, энергия сақловчи материалларни ва қурилишни инновацион усулларини хар жойда кўлланишлари минерал хом-ашёни ўрганишга - **янги материаллар ва технология яратиш учун база сифатида ёндашишни талаб этади.**

Рангдор тошлар хом-ашёлари безак тошларни кенг кўламлари билан тақдим этилган: андалузит, феруза, опал, каҳолонг, нефрит, амазонит, родонит, азурит, лазурит, дюмортьерит, содалит, агат, халцедон, яшма, агальматолит, лиственит, змеевик, обсидиан, хиастолит, алунит, гематит-кровавик, мармарли онекс, тош қотган дараҳт, жадеит, серпентин ва бошқалар. Охирги йилларда Жалоир (1992), Чилимозор (1994), Мингучар (1996), Эгрисув (1996), Жанубий Қирққудук (1998), Қорамозор (2002), Қорахитой (2002), Толсой (2002), Феруза (2003) ва бошқа конларнинг захиралари ҳисобланди.

Гидроминерал хом-ашё ресурслари. Бухоро-Қарши, Сурхондарё, Устюрт ва Фарғона артезиан хавзаларида олиб борилган тадқиқотлар йод, бром, литий, рубидий, цезий, стронций ва бошқаларни саноат кўламидаги тўпланишларини намоён этди. Улар йодни Крук (2006), Гўртепа (2000), Шавоз ва бошқа конларида жамланган.

Ер ости сувлари мамлакатнинг сув ресурсларини ахамиятга молик даражадаги улушини ташкил этади ва уларнинг ичимлик мақсадидаги ва қишлоқ хўжалигидаги сув таъминотларидаги ахамиятларини баҳолаш жуда мураккаб.

01.01.2014й. ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси бўйича фойдаланиладиган ичимлик ва кам шўрланган ер ости сувларини тасдиқланган захиралари 16810,9 минг м³/суткани, даволашга мўлжалланган

минерал сувларни – 33,03 минг м³/суткани ва саноат аҳамиятидаги минерал сувларни - 6,12 минг м³/суткани ташкил этади.

2013 йилда ер ости сувларини ўртача йиллик жамланган срфланишлари 5479,6 минг м³/суткани ташкил қилди. Тасдиқланган захираларни энг катта миқдорлари Тошкент – 3252,7 минг с.м³/сутка, Фарғона водийси – 2902,4 минг м³/сутка ва Самарқанд – 2056,7 минг с.м³/сутка вилоятлар хиссасига тўғри келади.

Энг сифатли ичимлик сувлари Охангарон, Чирчик, Зарафшон дарёларини водийларидағи, Фарғона водийсидаги, Китоб-Шахрисабз эгиклигидаги юқори ўтказувчан тўртламчи ётқизиқларда тарқалган. Ер ости сувлари, асосоан, ахолини хўжалик ичимлик суви билан таъминот учун – 28,7%, қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун - 7,0% ва ишлаб-чиқариши техник сув таъминоти учун – 0,6 11% миқдорларда сарфланади.

Ҳозирги пайтда Республикада ер ости сувларининг 67 кони ва участкалари қидириб-чамаланган ва уларни фойдаланиш мақсадларидағи захиралари 31,5 минг м³/сутка миқдорларда тасдиқланди.

Минерал сувларни олиш 5,9 минг м³/суткани ташкил этади. Улардан асосан бальнологияда (тиббиётда балчиқ-лой ва минерал сувлар билан даволаш бўлими) ва ва даволаш мақсадларидағи ичимлик сифатида 5,25 минг м³/сутка (89%), бир оз камроқ даражада, ошхона ичимлиги – 0,39 минг м³/сутка (7%) сифатида фойдаланилади.

Бальнелогик мўлажаллардаги гидроминерал базани яратиш ёки кенгайтириш йўли билан мамлакатнинг санатория-сихатгоҳ мажмуаларини қўллаб-қувватлаш ва тараққий эттириш мақсадларида, яқин келажада Фарғона водийсида, Тошкент олди ва Жанубий Орололди артезиан ҳавзаларида ва Бухоро ва Самарқанд вилоятларини баъзи районларида минерал сувларни янги манбаалари қидириб топиш мўлжалланган.

Экспертларни баҳолашларига кўра Ўзбекистон Республикаси ер қаърида фойдали қазилмаларни қидириб-чамаланган захираларини 01.01.2014й. ҳолатига кўра нархлари **8 триллион АҚШ доллар миқдорида баҳоланди**. Улардан 1,3 триллион АҚШ доллардан ортиғи Ўзбекистон Республикасини мустақиллик йиллардаги қидириб-чамаланган захираларидир.

Охирги йилларда темир, марганец, кўмир, ёнувчи сланецлар, ноёб металлар ва тарқоқ ер элементлари, олтин ва уранни ноанањнавий турлари ва бошқаларга геологик-қидирув ишлари кучайтилмоқда ёки биринчи марта

ўтказилмоқда, бу эса шубхасиз, Республика МХАБ кенгайтиришга хизмат килади.

Кумуш, темир, вольфрам, қалайи, симоб, литий, марганец, барит, плавик шпати, графит ва бошқа фойдали қазилмаларни захиралари, уларни саноат миқиёсидаги ахамиятлари маълум иқтисодий томондан ишлаб чиқилмаганлиги туфайли, уларга талаб-сўровлар мавжуд эмас.

Кўрсатилган конларни инвестицион жихатдан жалб этувчанлигини ошириш, ҳозирги замон бозор конъютурасида маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг инновацион технологияларини ҳисобга олган ҳолда, уларни ўзлаштиришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини қайта кўриб чиқиш билан амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистонни Давлат геолигик хизмати, геологик-қидирав ишлари амалиётига қаттиқ фойдали қазилма конларини Ўзбекистон учун ноанаънавий бўлган маъданли ва номаъдан геологик-саноат турларини излаш ва қидириб чамалаш соҳасидаги илгор жаҳон технологиясини тадбиқ этишдан, ёпиқ худудларда камхаражатли ва юқори самарадор тадқиқ усулларидан фойдаланган ҳолда излаш ишларини ривожлантиришдан манфаатдор.

Ўзбекистон ер қаърини минерал хом-ашё жихатидан салоҳиятлари хали-бери тугмайди ва уни бойитиш истиқболлари жуда муҳим. Бугунги кунда маълум бўлган конларни каттагина қисми юзада –палеозой пойдевори чиқиб ётган худудларда жойлашган. Республикани асосий ресурсларининг салоҳиятлари, илгари ўрганилаган худудларда Ўзбекистон учун ноанаънавий турдаги конларни намоён этишга истиқболли ҳисбланган ёпиқ худудлар билан боғлиқдир.

Техника ва технологияларни тараққий этишлари билан баъзи турдаги маъдан ва номаъдан хом-ашёлар, саноат ишлаб чиқаришларидаги янги соҳаларда қўлланилиши ва талаб этилишлари мумкин.

Жаҳон бозорларида ноёб металлар ва тарқоқ ер элементлари, платиноидлар, хром, титан ва бошқа металлар, барит, юқори кремнизёмли хом-ашё (томирли кварц, кварцитлар ва кварц қумлари), юқори глиназёмли хом-ашё (алунит, диаспор, андалузит гурухи минераллари), юқори магнезиал хом-ашё (талък, пирофиллит, доломит, магнезит, брусит, серпентинит), волластонит, глинали жинслар (бентонитлар, каолинлар, палигорскитлар), графит, дала шпатли хом-ашё (пегматитлар, лейкоократли гранитлар, чинни тошлар), слюдалар (вермикулит, мусковит, серицит,

хлорит, флогопит, биотит), асбест, адсорбентлар (опокалар, трепеллар, цеолитлар), перлит, базальт гурухидаги жинслар ва бошқаларга доимий ўсиб борувчи талаблар кузатилмоқда.

Республика ер қаъри хали ўрганилмаган (платиноидлар, хром маъданлари, ноёб ва бошқа металар, қайроқ тошлар (абразив), перлитлар, каустик сода, минерал тола, базальт гурухидаги тошлар ва бошк.) ва саноат билан ўзлаштирилмаган (вольфрам, қалайи, висмут, графит, флюс оҳактоши, юқори глиноземли хом-ашё, минерал бўёқлар) фойдали қазилма турларига бой бўлиб, улар мажмуавий геологик, физик-кимёвий, тажриба-технологик ва техник-иктисодий тадқиқотларни қўйилишини талаб қиласди.

Бугунги кунда Давгеолқўм томонидан 10 та турдаги фойдали қазилмаларга геологик-қидибув ишлари олиб борилмоқда, бундан 20 йиллар аввал эса бу кўрсаткич 3-4 та турдан ошмас эди. Давгеолқўм барча фойдали қазилмалар бўйича Республикани ўз-ўзини таъминлашга бутунлай эришиши мақсадида барча фойдали қазилма турларига (стратегикдан ташқари) геологик-қидибув ишларини ўтказишни кўпайтиришни кўриб чиқмоқда. Бунда ресурс салоҳиятларини ўстиришдан тортиб то саноатда қўлланишигача бўлган иқтисодий кўрсаткичлар асосий рол ўйнайди.

Маъруза бўйича саволлар

1. Геологиянинг хозирги замон муаммолари фанининг мақсад ва вазифаларини таърифланг.
2. Геологиянинг хозирги замон муаммолари фанининг ўрганиш объектлари
3. Ўзбекистон Республикасини ер қаърида қандай фойдали қазилмалар мавжуд?
4. Ўзбекистон Республикасининг фойдали қазилмалар захиралари қандай аниқланади?
5. Янги усуллар ва технологияни қўллаш, ер қаърини геологик ўрганиш неча босқичда амалга оширилади?
6. Минерал хом-ашё турларини қандай ўзлаштирилади?
7. Мамлакатни олтин маъданли базасининг асосиларини сананг.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот: Стратегик жиҳатдан муҳим бўлган ноанъанавий фойдали қазилма турларини намоён этиш ҳамда мавжуд конларда мужассамлашган минерал ресурслар захираларини тўлдириш хисобига минерал хом-ашё базасини кенгайтириш (4 соат)

Мустакил Ўзбекистон Республикаси худудида хозирда 2000 дан зиёд саноат корхоналари ишлаб турибди. Шулардан кариб 45 % — и оғир саноат ва 35 % — и енгил саноат тармокларига мансубдир, колганлари эса, бошқа саноат мажмуиларига кирадиган кайта ишловчи корхоналардир.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш суръатини хар томонлама тезлаштириш учун окир саноатнинг бутун халк хужалигини янада юксалишига ордам берадиган тармокларини ривожлантириш катта ахамиятга эга. Ана шундай тармоклардан бири минерал хом ашё ресурсларипи кидириб топиш, казиб чикариш ва кайта ишлаш саноатидир. Бу саноатнинг турли тармоклари республика иқтисодиётида муҳим роль ўйнайди. Республикада кидирилиб топилган ва захиралари аникланган минерал хом ашё ресурслар асосида бир катор саноат корхоналари фаолият курсатмокда.

Ўзбекистоннинг фойдали қазилма конлари геологик жиҳатдан урганилганлиги, кон-техник шароитларининг қулайлиги қазилмаларининг бир ерда тупланганлиги «концентрациялашганлиги», ер юзасига якин жойлашганлиги ҳамда меҳнат ва ёнилги — энергетик ресурслари билан таъминланганлиги, уларни узлаштиришда очик казиб чикариш усувларидан кенг куламда фойдаланиш имконини беради. Ҳозирда Ўзбекистонда кидириб топилган ва захиралари аникланган 2700 фойдали кизилма конлар жойлашган худудлар топилган. Уларнинг мингдан ортиги кидириб топилган булиб, улар минерал хом ашё ресурсларининг юз хилини уз ичига олади. Қидирилиб топилган минерал хом ашё ресурсларининг 60 дан ортик турлари соҳа саноат корхоналарида узлаштирилмоқда. Улар таркибига Олмалик, Новоий кон —металлургия комбинатлари, Маржонбулук, Зармитон, Ингичка ва Кўйтош рудниклари, «Узбекнефтгаз» казиб чикариш

акционерлик бирлашмаси, «Узбекцемент» «Узбекмармар», Ангрен разрези, Шаргун шахта боцшармаси ва бошқаалар киради. Соҳа корхоналари йилига 200 млн.м³ кон массасини казиб чикармоқдалар. Ўзбекистонда хар йили 80 минг тонна мис казиб олинмоқда. Стратегик жихатдан муҳим булган нодир металларнинг (кўргошин, рух, вольфрам ва бошқалар.) йирик конлари хам мавжуддир. Ҳозирда Ўзбекистон кудратли ёнилги —энергетика базасига эгадир. Кумир захиралари эса 2 млрд. тоннадан ортади; нефть, газ, конденсат конларининг — 165 таси аникланган. Кейинги йилларда топилган нефть ва газ захиралари энергия воситалари билан узимизнигина эмас, балки четга сотиш имконини беради.

Республикамиз олтин ишлаб чикаришнинг умумий хажми юзасидан саккизинчи уринда ва ахоли жон бошига олтин ишлаб чикариш жихатидан 5 уринда турибди. Ўзбекистон олтини сифат жихатдан жаҳонда олдинги уринларда туради, яъни унинг сифати жаҳон андозаларга мос келади. Сунги йилларда Ўзбекистонда минерал хом ашё ресуреларини кидириб топиш, казиб чикариш ва кайта ишлаш, яъни кон казиб чикариш саноатидан кон — металлургия саноатига айланди. Ҳозир Ўзбекистон рангли металл рудалари казувчи конларида йилига 60 млн. м³ ортик кон массасини казиб чикармоқда. Миллионлаб тонна рудалар кайта ишланмоқда. Фойдали қазилмаларни казиб чикариш ва уларни кайта ишлаш жараёнлари юкори унумли техника ердамида амалга оширилмоқда. Бойитиш фабрикаларда купгина жараёнлар автоматик равишда бошқарилади. Купгина корхоналарининг техник иқтисодий кўрсаткичлари МДҲ давлатларидаги турдош корхоналар орасида юкори хисобланади. Шунга карамасдан минерал хом ашё ресуреларини кидириб топиш, казиб чикариш ва кайта ишлаш саноатининг хозирги бозор иқтисодиёти муносабатларига утиш шароитидаги асосий вазифаларидан бири фан ва техника ютукларини кенг куламда жорий қилиш, улар хисобига технология ва ишлаб чикариш самадорлагини оширишdir.

2-амалий машғулот: Фойдали қазилмаларни қайта ишлашнинг самарали технологияларини қўллаш зарурияти (4 соат).

Кидириш ишларининг комплекси фойдали қазилмаларни топишда максимал натижа берувчи услублар йигиндисидир. Кидириш ишларининг комплекси унинг самарасини оширишкинг вазифаларига, табиий шароитларига ва фойдали казмлмаларнинг комплексига бοгликдир.

Хозирги замонда фойдали қазилмаларни кидиришнинг куйидаги бир канча усуллари мавжуд.

а) Геологик усуллар; визуал кузатиш, расмга олиш нули билан ҳамда геологик суратга олиш ва кидириш маршрутлари ёрдамида олиб борилади.

б) Минераллогик усуллар эса, намуналар олиш, руда танаси ёки унинг ороелларини очиш хисобида муз келтирган харсанг тошларни, даре булакли жинсларини ҳамда минераллогик съёмка усуллари билан бирга шлих тахлий ёрдамида олиб борилади.

в) Геохимик усуллар хар хил геохимик намуналарни кузатиш, химиёвий тахлил қилиш, литогеохимик, гидрогеохимик, биогеохимик ва атмогеохимик талкин қилиш йули билан утказилади.

г) Геофизик услублар, магнитометрия, гравиметрия, сейсмометрия, электрометрия, радиометрия ҳамда ядро физикаси, термометрия ва биофизик усуллар билан олиб борилади.

Юқорида шарх этилган усулларниң ҳар қайсиси ўз урнида жуда катта ахамиятга эга. Қазилмм бойликларни топишда бевосита ер устида олиб бориладиган кидириш ишларигина асосий уринни эгаллайди.

Кидириш ишларининг геологик съёмка (суратга олиш) тури асосий хисобланади. Чунки, унда майдон бевосита кузатилади, фойдали қазилмаларнинг қидириш белгиларига, асосан, уларнинг чикиб колган жойлари, бирламчи ва иккиламчи тарқалиш ореоллари, таркалиш окимларига ахамият борилади, текшириб курилади.

Съёмка даврида литологик катламларнинг контоктлвриги, бурмали ва узилмали структураларга, руда яқинидаги узгаришларга магматизмга, хуллас

хамма геологик факторларга ахамият берилиб, диққат билан урганилади. Геологик харитани тахлил қилиш эса, фойдали қазилмаларнинг баъзи турларини башорат қилишга, кидириш ишларининг йуналишини, усулларини аниклашга имкон беради.

Минералогик кидириш усули асосига гипергенездаги механик, таркалиш ореоли куйилган булиб, уни инсон жуда кадим замонлардан куллаб келган. Бундай қидириш муз ёткизиклари, аллювиаль — чўкиндилар ва шлих усулида олиб борилади,

Муз ёткизиклари мореналардаги таркалиш ореолларини текшириш ер шарининг шимолий районларида кенг қўлланилади охирги мореналарда топилган минерал бўлаклари унинг она жинсдаги руда танасипи топишда катта ёрдам беради.

Аллювиаль булакли жинсларии текшириш эса, даре узанларида қўйи окимдан юкорига йуналган бўлиб, фойдали компонент (минерал булаги) учрамай колган жойдан чап ёки ўнг томондаги ирмоклар буйлаб давом этади.

Шлихни урганиш механик ореолнинг таркибини урганишdir.

Шлих намуналари оғпр фракцияларнинг максимал тупланиши мумкин булган жойлардан олинади, Шлихни олиш усуллари, уни тахлил ва талкин қилишнинг аҳамияти катта. Шлих тахлилига асосан истиқболли майдонлар ажратилиб, йирик масштабли кидириш ишларига утилади.

З-амалий машғулот: Мамлакатнинг минерал хом-ашё базасини ривожлантириш йўналишидаги вазифаларни муваффақиятли ечиш учун мавжуд муаммоли масалаларни ҳал этишнинг аҳамияти ва бу борадаги фаолият олиб бораётган мутахассислаонинг маъсулият хисси хақида тассавурлар шакллантириш (4 соат).

Минерал хом ашё ресурсларини кидириб топиш, қазиб чикариш ва кайта ишлаш соҳа корхоналарини хар йили реконструкция қилиш ва кенгайтириш хисобига кушимча кувватлар ишга тушурилиб, топилган янги

срайдали қазилма конлар асосида янги курилиш ишлари амалга оширилмокда.

Кидириб топилган янги фойдали қазилма конини ишга солишнинг максадга мувофикалиги ва навбатини аниклаш бу саноат тарморини минерал хом ашё ресурслари билан таъминлашда асосий масалалардан биридир.

Минерал хом ашё ресурсларини казиб чикаришга жуда кам ижтимоии меҳнат сарфлаб, халк хужалигининг маълум турдаги фойдали қазилмага булган эҳтиётини кондирадиган ва иқтисодий жихатдан самарали конларини танлаш, конларга иқтисодий баҳо бериш йули билан амалга оширилади. Фойдали қазилма конларини иқтисодий баҳолашнинг асосий вазифаларидан бири — улардан максадга мувофик фойдаланиб, саноат микъёсида узлаштирилишининг нисбий хужалик самарадорлигини ва навбатини белгилаш булса; иккинчиси — фойдали қазилма конларини иқтисодий баҳолаш билан бир каторда уларнинг геологик хусусиятларини мамлакат худуди буйлаб, жойлаштириш конунлари, казиш усуллари, ресурслардан саноат микъёсида фойдаланиш ва фойдали компонентлар олишни урганишдир.

Разведканинг асосий вазифаси фойдали қазилмаларнинг микдорини, сифатини ва ётиш шароитини аниклашдир, Бу разведка килинаётган коннинг микдори руда танасининг катталигига боғликдир. Баъзи конлар учун руда танаси коннинг структуравий ва таркибий кисми билан геологик нуктаи назаридан чегараланса, бошқалари шартли белгиланади. Руда танасининг контури маъдап микдорининг минимал чегараси билан белгиланади. Шунинг учун хам руда танасининг шакли ва катталиги купгина геологик тизимларга боклик булади.

Фойдали қазилмаларнинг сифати эса, унинг химёвий ва минералогик ҳамда технологик хусусиятларига боғлиқ булади. Сифатнинг турларига караб коннинг табиий турлари ва саноатбоблиги аникланади.

Фойдали қазилмаларнинг ётиш холати унинг ётиш элементлари билан белгиланади. Коннинг бу хусусияти уни эксплуатацсия қилиш учун аникланади. Баъзан бу хусусият тоғ-техник шароит деб белгиланади.

Коннинг иқтисодий хусусиятларини белгилайдиган шароитлардан транспортдан фойдаланиш имкониятлари, сув ва энергия таъминоти, курилиш ва бошқа материалларнинг мавжудлиги катта ахамиятга эгадир.

Юқорида курсатилган хусусиятларни аниклаш разведканинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ҳар кандай разведканинг услублари: разведка, кесмалари, намуналар олиш ва баҳоловчи таккослашлардан иборатдир.

Фойдали қазилма конларни геологик — иқтисодий баҳолаш бир катор принциплар асосида олиб берилади. Уларнинг асосийлари куйидагилар:

- фойдали қазилма конларининг табиий хусусиятларини ифодаловчи маълумотларнинг имкони борича тугрилиги. Бу принцип кон ҳакидаги маълумотларни туилаш боскичларини олдиндан белгилайди;
- барча кидириб топилган фойдали қазилма конлари орасидан энг истикболлиларини танлаб олиш максадида геологик — иқтисодий баҳолаш;
- баҳолашнинг геологик— техник— иқтисодий мазмуни. У конларнинг геологиясини, уларни кончилик— техникавий шароитларини фойдали қазилманинг технологик хусусиятларини ва кондан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини урганишни кузда тутади;
- конларни қиёсий баҳолаш усули. Муайян конни саноат жихатдан узлаштиришнинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари бошқа ракобатдош конларнинг, ҳамда фаолиятдаги конларнинг ўхшаш кўрсаткичлари билан таккосланиши зарур;
- фойдали қазилма конларидан режали, окилона ва комплекс равишда фойдаланиш.

Фойдали қазилма конларга баҳо бериш усуллари куйидагича: иқтисодий -географик, геологик, техникавий ва иқтисодий.

Иқтисодий — географик баҳолати кон жйлашган нохиянинг рельефи ва узлаштирилганлиги ҳамда саночтнинг ривожланиш тавсифи, меҳнат, энергетика ва сув ресурслари, курилиш материаллари билан таъминлаш манбалари, транспорт шарт — шароити ва бошқалар хакида тасаввур беради.

Иқтисодий — географик омиллар орасида кон нохиясининг иқтисодий томонидан узлаштирилганлиги, меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, транспорт магистраллари (темир йул) ва ташки энергетика тизимиға узок — якинлиги алоҳида аҳамиятга эгадир.

Фойдали қазилма кони нохиясида меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, кончилик корхонасини куриш ва ишлатишда ишчи кучи билан таъминлаш имконини беради.

Ушбу нохиянинг транспорт шарт — шароити мавжуд ёки куришга мулжалланган темир йулдан узок — якинлигини, автотранспорт йулларининг мавжудлиги, сув йулларидан фойдаланиш ва йулларини турли фаслларда ишлатиш мумкинлиги билан ифодаланади.

Кон нохиясининг курилиш материаллари захиралари билан таъминланганлиги конни узлаштириш буйича курилишни осонлаштиради, кийматини пасайтиради.

Нохиянинг энергетик шароитига кон куриш ва уни ишлатишда мавжуд энергетика тизимларидан электр энергия олиш имкониятига асосланиб баҳо берилади. Бу эса шахсий электр станциясини куриш зарурлигини истисно этади ва уз навбатида куриш муддатлри ва сарфланган капитал маблагларни камайтиради.

Кон нохиясидаги сув ресурсларини хисобга олиш конга баҳо беришнинг мажбурий шартидир. Кон ресурслари сувли усусларда бойитишини талаб этадиган холларда хам ресурсларнинг мавжудлиги катта аҳамиятга эгадир.

Кон нохиясининг икlim шароити ва рельефи куриш муддати, ажратилган капитал маблаг ва ишлатиш харажатларига катта таъсир курсатади.

Фойдали қазилма конининг геологик баҳоси минерал хом ашёнинг микдори ва сифати, гидрогеологик ва инженер — геологик ҳамда бошқа шарт — шароитлар билан ифодаланади. Унинг микдорий таърифи уз ичига фойдали қазилма захирқл⁰ққ ва уларнинг усиш истиқболларини, минерал хом ашёда керакли компонентлар мавжудлиги ва ажратиб олинаетган компонентлардан халқ хужалигига фойдаланиш имконияти хакидаги маълумотларни киритади.

Минерал хом ашёнинг сифати, катлам ёки фойдали қазилмалар ёткизиганинг калинлиги, чузиклиги, ётиш чукурлиги ҳамда уларнинг шакли, оғиш бурчаги, коннинг гидрогеологик шароити ва бошқалар билан белгиланади.

Техникавий баҳо фойдали кязилмл конини казишнинг техникавий имкониятини, кончилик саноатининг мумкин булган қувватини, конни очиш ёки тайёрлаш усуллари, казиш тизимларини, шахта ва каръерларда умумий ишларни ташкил этиш, мнррал хом ашёни бойитиш ва металтургик кайта ишлаш технологик жараёнларнинг тизимини танлаш ва уларнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини аниклашни мужассамлаштиради.

Иқтисодий баҳолашда маълум турдаги минерал хом ашё манбаи сифатада унияг халқ хужалйгидаги ахамиятини, халқ хужалигига ва саноатнинг тегишли соҳасида ишлатиш даражаси, умуман халқ хужалигининг режали ҳамда мутаносиб ривожланишини таъминлашни аниклашдан иборатdir.

Фойдали қазилма конларини иқтисодий баҳолашда Юқорида кайд этилган баҳолашлар асосида олиб борилади.

Минерал хом ашё ресурсларини саноат микиёсида узлаштиришгача унга иқтисодий баҳо бериш бир неча боскичда амалга оширилади:

а) биринчи боскич — дастлабки кидирув маълумотлари асосида; йириклиштирилган кўрсаткичлар буйича чамалаб, геологик — иқтисодий баҳо беришдан иборат; бу боскич кондан фойдаланишнинг фойдалиги ва муфассал геологик — кидирув ишлари олиб боришнинг максадга

мувофикалигини аниклаш имконини беради; б) иккинчи боскич — муфассал кидирув маълумотлари асосида саноат нуктаи назаридан баҳо бериш- Бу баҳолаш боскичидаги корхонанинг асосий саноат параметрлари; йиллик ишлаб чиқариш куввати, конни очиш усуллари, уни ишлатиш тизимлари ва бошқалар аникланади.

Якунловчи баҳолаш, маълум конни саноат микиёсида узлаштирищнинг максадга мувофикалигини аниклаш учун лойихалаш институтлари томонидан булажак корхонанинг йириклиштирилган техник иқтисодий кўрсаткичларини аниклаш маълумотлари буйича аникланади.

Дастлабки ва якунловчи баҳолаш натижалари буйича техник—иқтисодий маъруза тайёрланиб, ундан кон саноатининг истиқболли ривожланиш режаларини таъёрлашда фойдаланилади. Конга иқтисодий баҳо бериш учун куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Минерал хом ашё казиб олиш учун ажратилган солиштирма ва капитал маблаглар.
2. Кончилик тармогидаги ишчининг меҳнат унумдорлиги.
3. Казиб олинаётган 1 тонна хом ашёнинг таннархи.
4. Бойитишга ажратилган солиштирма капитал маблағ.
5. Бойитилган 1 тонна хом ашёнинг таннархи.
6. Ишлов бериш саноати корхоналарида асосий фондлардан фойдаланиш даражаси.
7. Бир тонна махсулот ёки ярим махсулотнинг тулик таннархи.
8. Казиши тармоги корхоналарини куриш муддатлари.
9. Ажратилган капитал маблағларининг ўзини қоплаш муддати.
10. Рентабеллик.

Олинган кўрсаткичлар ўхшаш кон— техниковий шарт — шароитда қазилма боиликлар казиб чиқараётган мавжуд ёки лойихаланган кончилик корхоналарининг шундай маълумотлари билан киёсланади.

Ҳозир конларга Юқорида санаб утилган кўрсаткичлар (техника—иқтисодий) нинг купчилиги ёрдамида баҳо берилади, бу қупинча карама—

карши, турлича иуналган ва узаро киёслаб бўлмайдиган натижаларга олиб келади.

Шу сабабли умумийлаштирилган кўрсаткичлар буйича баҳо бериш лозим. Бунда бу кўрсаткичлар мазкур конни узлаштириш бошқа шунга ўхшаш конларни ўзлаштиришдан анча самаралилигини белгилаш учун мезон булиб хизмат килади, бошқа курсагкичлардағ эса ёрдамчи кўрсаткичлар сифатида фойдаланади.

Бундай умумлаштирувчи кўрсаткичлар сифатида кушимча микдорий ва сифат кўрсаткичларини хисобга олган холда келтирилган харажатлар кўрсаткичи қулланади.

Топилган бир хил фойдали қазилмаларни узлаштириш навбатини белгилаш хакида якунловчи хулоса уларни киёсий баҳолаб чикарилади, бу минерал хом ашё казиб чикариш ва кайта ишлаш техника ва технологиясининг мазкур ривожланиши боскичидаги энг самарали конларни танлаб ишга тушуришга ёрдам беради.

Конларни узлаштиришда ажратилган капитал маблаг ва вакт омилини хисобга олиб, уларнинг иқтисодий самарадорлиги аникланади ҳамда конларни узлаштириш боскичлари белгиланади.

Конларга бериладиган иқтисодий баҳо доимий эмас. У техника тараккиёти, янги конлар топиш халк хужалигининг мазкур минерал хом ашёга булган эҳтиёжига кура узгариши мумкин. Шу сабабли конга баҳо бериш материаллари вақти - вақти билан кайта куриб чикклади.

1. Фойдали қазилма конларини геологик - иқтисодии баҳолашнинг принциплари нималардан иборат,
2. Фойдали қазилма конларига иқтисодии-географик баҳо бериш нима.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс

Табиатда ресурсларнинг икки хили мавжуд:

1. Табий ресурслар,
2. Мехнат ресурслар.

Табий ресурслар уз навбатида уч гурухга булинади:

1. Ер ости бойликлари, минерал хом ашё (кайта тикланмайдиган) ресурслари;
2. Ер усти бойликлари, биологик (кайта тикланадиган) ресурслар;
3. Табий энергия (сув, шамол қуёш, дengiz кутарилиши ва пасайишидаги кучлар) ресурслари. Улар табиатда чекланмаган холда учрайди.

Фикрингизни асослаб беринг?

2-кейс

Фойдали қазилма конларни геологик — иқтисодий баҳолаш бир катор принциплар асосида олиб берилади. Уларнинг асосийлари куйидагилар:

•фойдали қазилма конларининг табиий хусусиятларини ифодаловчи маълумотларнинг имкони борича тугрилиги. Бу принцип кон ҳакидаги маълумотларни туилаш боскичларини олдиндан белгилайди;

•барча кидириб топилган фойдали қазилма конлари орасидан энг истикболлиларини танлаб олиш максадида геологик — иқтисодий баҳолаш;

•баҳолашнинг геологик— техник— иқтисодий мазмуни. У конларнинг геологиясини, уларни кончилик— техниковий шароитларини фойдали қазилманинг технологик хусусиятларини ва кондан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини урганишни кузда тутади;

•конларни қиёсий баҳолаш усули. Муайян конни саноат жихатдан узлаштиришнинг асосий техник иқтисодий кўрсаткичлари бошқа ракобатдош конларнинг, ҳамда фаолиятдаги конларнинг ўхшаш кўрсаткичлари билан таккосланиши зарур;

•фойдали қазилма конларидан режали, окилона ва комплекс равишда фойдаланиш.

Фикрингизни асослаб беринг?

3-кейс

Керн чиқиши ва сақланишига куйидаги бурғулаш шароитлари таъсир этади.

1. Колонкавий снаряд тебраниши таъсирида механик таъсир, яъни керн сиқилиб колиши, майдаланиши, уқаланиниб кетиши юз беради.

2. Ювиш суюқликлари босими таъсири керн майдаланади, ювилиб кетади.

3. Ювиш суюқлиги таъсирида баъзи жинсларнинг эриб кетиши.

4. Керн колонкали қувурда яхши қисилмаганллиги сабабли снарядни кўтариш пайтида керн тушиб кетади.

Фикрингизни асослаб беринг?

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1.Фациал-литологик мезонлар. Суюқ ва газ холдаги қазилма бойликлар таснифи.

2.Парма қудукларини хужжатлаштириш. Тарқалиш ореоллари, уларнинг турлари.

3.Руда яқинидаги ўзгаришлар ва уларнинг фойдали қазилмалар конларини қидиришдаги ащамияти. Маъдан миқдорини аниқлашда ишлатиладиган кўрсаткичлар.

4.Руда танаси шакли ва сифатининг ўзгарувчанлиги тавсифи. Фойдали қазилма бойликлар турларига қараб, қидириш ишларининг комплекслилиги.

5.Қаттиқ қазилма бойликларнинг миқдорий таснифи. Тоғ иншоатларининг турлари ва уларни хужжатлаштириш.

6.Биогеохимик ва гидрогеохимик қидириш усуллари. Шлих тахлили.

7.Фойдали қазилма конларини қидиришда ва истиқболини аниқлашда стратиграфик ва иқлимий мезонлар. Минерал хом ашё иқтисодиётининг бошланиши.

8.Бирламчи ва иккиламчи тарқалиш ореоллари. Қидириш ишларida картографик материалларга қўйиладиган асосий талаблар.

9.Тарқалиш оқими. Қидириш ва бащолаш ишлари.

10.Қаттиқ қазилма бойликларнинг саноат турлари.

11.Фойдали қазилмалар конларини қидириш ва разведка қилиш принциплари.

12.Фойдали қазилма бойликларини геохимик усуллар билан қидириш.

13.Фойдали қазилма бойликларини геофизик усуллар билан қидириш.

14.Фойдали қазилмаларни қидириш белгилари.

15.Фойдали қазилмаларни башорат қилишда тектоник ва геоморфологик мезонлар.

16.Фойдали қазилмаларни башорат қилишда магматоген мезонлар.

17.Фойдали қазилмаларни қидиришнинг комплекслилиги.

18.Тарқалиш ореоли графиги.

19.Фойдали қазилмаларни литогеохимик ва атмогеохимик қидириш усуллари.

20.Маъдан миқдорини аниқлашда тўғриловчи коэффициентлар.

21.Тоғ жинсларидан олинадиган намуналарни турлари ва таснифи.

VII.ГЛОССАРИЙ

Геологик захира – шахта майдони ҳудудида жойлашган фойдали қазилманинг умумий миқдори (захираси).

Баланс захира – замонавий техника ва технология ёрдамида қазиб олиниши мумкин бўлиб, қазиб олинган фойдали қазилмани саноат миқёсида ишлатилганда иқтисодий самара берадиган геологик захиранинг қисми.

Балансдан ташқари захира - замонавий техника ва технология асосида қазиб олиниши мумкин бўлмаган ёки қазиб олинган тақдирда саноат миқёсида ишлатилганда иқтисодий самара бермайдиган геологик захиранинг қисми. Бироқ илмий-техника ривожланиши натижасида, кейинчалик балансдан ташқари захира баланс захирага айланиши мумкин.

Копуша – юмшоқ ва тўкилувчан коплама тоғ жинсларида ер юзасидан ўтиладиган кичик воранкасимон чуқурча (0,5-0,8м).

Канава – ер юзасида туб тоғ жинсларини очиш учун ўтиладиган ариксимон тоғ лаҳми, чуқурлиги одатда 1-3м.. **Врез** – канава тоғ ён багридан горизонтал ўтилган ҳолат, битта девори бўлмайди.

Шурф – вертикал ва қия (кудуқсимон) кичик хажмдаги тоғ лаҳми бўлиб ер юзасидан конларни разведка қилиш, портлатиш ишлари ва ёрдамчи лаҳмлар сифатида ўтилади.

Штолъня – ер юзасидан горизонтал ўтилган тоғ лаҳми бўлиб фойдали қазилма конларини разведка қилиш ва ер ости ишларини ўтқазишида ёрдамчи вазифалар учун ўтилади. Штолнялар кесими тўртбурчакли, трапецияли ва гумбазсимон бўлиши мумкин. Маъдан танасига нисбатан кўндаланг ва бўйлама турлари бўлади.

Штрек – Фойдали қазилмаларни қидириш, разведка қилиш ва эксплуатация мақсадида бошқа лаҳмдан ўтилган горизонтал тоғ лаҳми, ер юзасига чиқмайди.

Квершлаг – Одатда фойдали қазилма танаси йўналишига кўнгдаланг равища бошқа лаҳмдан ўтилган горизонтал тоғ лаҳми.

Орт— Фойдали қазилма танаси горизонтал қалинлиги бўйлаб бошқа лаҳмдан ўтилаган горизонтал тоғ лаҳми. Ер юзасига чиқмайди.

Восстающий (юқориловчи)— бошқа тоғ лаҳмларидан юқорига қараб ўтилувчи тоғ лаҳми.

Гезенк — фойдали қазилма йўналиши бўйича вертикал ва қия ўтиладиган тоғ лаҳми, бошқа лаҳмлардан ўтилади.

Разведка шахталари — катта ўлчамдаги квадрат ёки тўтрбурчак шаклидаги вертикал тоғ лаҳми. Шахтадан албатта бошқа тоғ лаҳмлари ўтилади, кўп горизонтли бўлади. Шурфдан фарқи шахта тушунчасига ер

юзидаги ва ер тагидаги шахтага хизмат қилувчи барча ёрдамчи қурилмалар ва иншоотлар киради.

Бурғу қудуклари – кичик, юмалоқ ўлчамли лаҳмлар бўлиб, махсус мосламалар ёрдамида ўтилади. Улар асбобнинг **айланма ёки урилма** усулларида ўтилади.

Кичик ўлчамли (3-5 см), портловчи модда жойлаштириш учун ўтилган бурғу қудуги **шпур** деб аталади.

Тоғ лаҳмлари куйидаги кисмлардан иборат:

Лаҳмнинг бошланиши (оғзи) - ер ости лаҳмининг ер юзаси ёки бошқа тоғ лаҳми билан туташган жой;

Забой – лаҳмни ўтиш ишлари олиб борилаётган жой, яъни лаҳм тугаган жой. Лаҳмни ўтиш жараёнида забой керакли йўналишда сурилиб боради.

Лаҳм танаси (ствол) - лаҳмнинг бошланиши билан забой орасидаги жой, лаҳмнинг девори.

Тоғ ишлари - тоғ лаҳми ўтилаётган пайтда асосий массивдан тоғ жинсининг бир қисмини ажратиб олиб ташқарига чиқариб ташлаш.

Тоғ лаҳмларини ўтиш (проходка) - лаҳмларни ўтиш жараёнида керакли йўналишда давом эттириш.

Саноат захира – конни қазиб олиш технологияси бўйича белгилаб қўйилган (рухсат этилган) фойдали қазилма йўқотилиши миқдорини баланс захирадан айиргандан қолган баланс захиранинг қисми.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги

“Коррупцияга қарши курашиш түғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар түғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида”ги 278-сонли Қарори.

20. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–279б.

21. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

22. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017.- 256 стр.

23. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

24. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.

25. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.

26. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.

27. English for academics. Cambridge University Press and British Council

Russia, 2014. Book 1,2.

28. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– T.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
29. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.
30. М.Тожиев, И.Нигматов, М.Илҳомов “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Ўқув қўлланма. Т., М.Ч. “Гаълим манбаи”, 2002.
31. Нигматов И., Тожиев М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Дарслик -Т., “Иқтисод-молия”, 2011.
32. Раҳмонов И., Ваҳобов У., Ёқубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”. Т. “Фан”, 2004.
33. Юлдашев О., Хасanova О., Жалолов У., Турагалов Т. , Артыков.А, Хусанова С. “Аварийно-спасательные работы”. Учеб. пособие.-Т.,2008.
34. «Первая медицинская помощь на месте происшествия», Учеб.пособие для добровольных спасателей. Т. «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий»,2008.
35. Ў. Йўлдошев ва бошқалар. “Мехнатни муҳофаза қилиш”. Т. Мехнат, 2005.
36. А. Боймираев “Ҳаёт хавфсизлиги ва биринчи тиббий ёрдам”. Ўқув қўлланма. Т. 2016
37. А. Боймираев, Р. Бакиров, А. Деконов “Радиоактив моддалар, улар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда қутқарувчиларнинг ҳаракатлари”. Услубий қўлланма. Т. 2017
38. М. Тинибеков “Биринчи ёрдам кўрсатиш қоидалар”.Ўқув қўлланма Т. 2017.
39. X. Комилов, О.Хусанова, Н Сайдханова “Мероприятия по профилактике эпизоотических чрезвычайных ситуаций”. Т. 2017
40. Yormatov G’.Yo, O.R.Yuldashev “Hayot faoliyati xavfsizligi”. Т. “Aloqachi” 2018
41. Cimini, Domenico, Marzano, Frank S., Visconti, Guido, Applications for Climate, Meteorology and Civil Protection. 2007
42. John Tiefenbacher, Approaches to disaster management- examining the implications of hazards, emergencies and disasters. 2011
43. Mark A Friend, James P Kohn, Fundamentals of Occupational Safety and Health. 2015.
44. B.O. Соловьев. Основные проблемы геологии. Изд-во – X., 2014. – 180 с.

45. Современные проблемы связи геодинамики, магматизма и оруденения. Материалы научной конференции. – Ташкент: Издательство «Фан» АН РУз. 2012. – 302 с.

46. Фундаментальные проблемы воды и водных ресурсов. Материалы Третьей всероссийской конференции с международным участием. Барнаул, 24-28 августа 2010 г.

47. Последние тенденции в области мировой геологоразведки. Источник: «SNL Metals & Mining. World Exploration Trends 2016». Золотодобыча, №211, 2016.

Интернет ресурслар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: www.edu.uz.
2. Бош илмий-методик марказ: www.bimm.uz
3. www.Ziyonet.uz
4. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz.
5. [http://www.rsl.ru/;](http://www.rsl.ru/)
6. [http://www.msu.ru/;](http://www.msu.ru/)
7. [http://www.nlr.ru/;](http://www.nlr.ru/)
8. http://el.tfi.uz/pdf/enmcoq22_uzk.pdf;
9. http://el.tfi.uz/pdf/enmcoq22_uzl.pdf.